O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
18-iyun
payshanba

№ 20 (4458)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА



## БЎЗАТОВ ТУМАНИ:
## ЯНГИ ҚИЁФА, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР









2019 йилнинг 20–21 август кунлари Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Бўзатов туманини ташкил этиш ҳақидаги ташаббус билан чиққан эди. Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг махсус қарори билан Кегейли тумани таркибидаги «Бўзатов» шаҳарча фуқаролар йиғини, «Қусқанатов», «Еркиндарья», «Аспантай» овул фуқаролар йиғинлари ҳамда Чимбой тумани таркибидаги «Кўксув» овул фуқаролар йиғини ҳудудлари бирлаштирилиб, умумий майдони 2035,44 кв. км. бўлган Бўзатов тумани тузилди...

4

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

«Ғамхўрликдан мамнунмиз»



3

АСПЕКТ ПРОФИЛАКТИКИ

Дерево держится корнями, а человек – работой



7

ТАШРИФ

«Ҳамза Умаровдан «тарсаки сабоқ» олганман»



16

ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ



*Катта лейтенант Раҳматов Дилмурод Боймирзаевич 1987 йил Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилган. Жиззах политехника институтини тамомлаган. Ички ишлар органларида 2013 йилдан, 2015 йилдан буён Фориш тумани ИИБ 13-сонли ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи 121-сонли ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспектори лавозимида хизмат қилмоқда.*

Дилмурод Раҳматов қисқа фаолияти давомида бир қатор жиноятларни очишга муваффақ бўлди. Чунончи, яқинда Фориш туманининг Эгизбулоқ маҳалласи ҳудудида бир фуқарога тегишли бозор нархи 48 миллион 500 минг сўмлик 7 бош қорамолни ўғирлаб кетаётган Шароф Рашидов тумани Саройлик маҳалласида яшовчи Р.И.ни қўлга олди.

Суриштирув давомида айбланувчи 2018 йилда ҳам айни шу фуқарога тегишли 8 бош қорамолни ўғирлаб, сотиб юборгани, шунингдек, 2019 йилнинг июнь ойида Эгизбулоқ маҳалласида яшовчи М.Ҳ.нинг 3 бош қорамолини ҳам ўғирлаганлигини тан олган.

Катта лейтенант Дилмурод Раҳматов томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилгани сабабли Эгизбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жорий йилнинг 5 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноятлар сони камайишига эришилган.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# ЛАШКАРНИНГ ҚУДРАТИ НИМАДА?

**Бу саволга кўпчилик ҳеч иккиланмасдан унинг замонавий қурол-аслаҳа билан таъминланганида, дейди. Бу тўғри, албатта. Армиянинг куч-қудрати пухта тайёргарлик кўришида, кўп машқ қилишида дейдиганлар ҳам ҳақ. Қўшинлар олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришда малакали офицерлар муҳим роль ўйнашини ҳам инкор этиб бўлмайди. Уларнинг энг яқин кўмакчилари бўлган сержантларнинг, қолаверса, оддий аскарларнинг ўрнини ҳам эътироф этиш жоиз.**





Гапни сал узоқроқдан бошладик. Асосий муддаога ўтадиган бўлсак, ИИВ Қоровул қўшинларида бу масалаларнинг барчасига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳарбий қисмлар замонавий қурол-яроғлар билан таъминланмоқда. Объектлар илғор технологияларга асосланган қўриқлаш воситалари билан жиҳозланган. Офицерлар олий ҳарбий таълим муассасаларида тайёрланяпти. Кичик командирлар Қуролли Кучларнинг Сержантлар тайёрлаш мактабларида таҳсил олиб қайтяпти.

Ҳарбий қисмларда ўтказиладиган жанговар ва хизмат тайёргарлиги машғулотларида объектларнинг макетларидан, компьютер технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Полигонларда, ҳарбий шаҳарчаларда махсус тактик машқлар, қўмондонлик-штаб машқлари ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Машқлар чоғида ҳарбий жамоаларнинг командирлари бошчилигида мураккаб вазифаларни қай даражада уддалай олиши, ҳарбий хизматчиларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмалари синовдан ўтяпти. Жисмоний тайёргарлик машғулотларининг етук мутахассислар томонидан юқори савияда ўтилаётгани шахсий таркибнинг ҳар томонлама чиниқишида жуда қўл келмоқда.

Аммо лашкарнинг қудрат манбаи бўлган яна бир ўта муҳим омил бор. Бу ҳам бўлса шахсий таркибнинг маънавий салоҳиятидир. Зеро, Ватанини севган ҳарбийгина уни кўз қорачиғидай асрайди, кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилади. Бурчига содиқ аскаргина вазифасини бажариш йўлида керак бўлса жонини қурбон қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сонли қарорига кўра, жума «Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни» деб белгиланган. Шу куни барча ҳарбий қисмларда шахсий таркибни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юрт ҳимоячиларининг маънавиятини юксалтиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

ИИВ Қоровул қўшинлари шахсий таркиби билан ўтказиладиган маънавият ва маърифат дарсларининг юксак савияда, таъсирчан шаклларда ўтилишини таъминлаш қўмондонликнинг диққат марказида. Бундан ташқари, ҳар бир ҳарбий хизматчининг феъл-атворидан, оилавий шароитидан ва бошқа жиҳатлардан келиб чиқиб индивидуал тарбиявий ишлар олиб борилади. Ҳарбий прокуратура вакиллари билан мулоқотлар қонунийлик ва интизомни мустаҳкамлашга, уламолар ўтказаётган маърифий суҳбатлар эса шахсий таркибни турли ёт ғоялардан, мафкуравий хуружлардан, ақидапарастлик ва мутаассибликдан ҳимоя қилишга ёрдам бермоқда. Ҳарбий жамоаларда эл суйган санъаткорлар, шоиру ёзувчилар, фахрийлар билан учрашувлар яхши анъанага айланган.

Таниқли адибларидан бири бежиз «Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман» демаган. Зеро, китоб беминнат дўст, маслаҳатгўй, бебаҳо маънавият манбаидир. Юртбошимизнинг китобхонликни тарғиб қилиш борасидаги ташаббуси ИИВ Қоровул қўшинларида ҳам кенг қулоч ёйган. Ҳар бир ҳарбий қисмда кутубхона фаолият кўрсатади. Зиё масканлари янги чиққан китоблар билан бойитиб борилмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг китоб мутолаасига қизиқишини кучайтириш учун «Энг илғор китобхон» танлови ўтказилиб турилади.

Яқинда танловнинг ИИВ Қоровул қўшинлари бўйича якуний республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўқув-методика ва ҳарбий ватанпарварлик бўлими бошлиғи Маъмура Зоҳидова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Моҳинур Жалолова ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди.

Ҳарбий хизматчиларнинг «Адиблар сиймолари», «Бадиий китоблар билимдони», «Шеърият дурдоналари» ва «Мен севган адиб» деб номланган шартлар бўйича чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан холисона баҳоланиб борилди. Якуний натижаларга кўра, Андижон шаҳридаги 7553-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси, кичик сержант Икром Шодмонов 1-ўринни эгаллади. Қаршидаги 7533-ҳарбий қисм вакили, капитан Фарруҳ Холиқовга 2-ўрин насиб этди. Чирчиқдаги 7535-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси, катта лейтенант Дилшод Тўраев эса 3-ўринга муносиб топилди. Ғолиб ва совриндорлар Қоровул қўшинлари қўмондонлигининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир якунида ИИВ Қоровул қўшинлари ансамбли томонидан концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва сиёсий дунёқарашини янада бойитиш мақсадида «Маърифат сари ташланган қадам» шиори остида китобхонлик акцияси ташкил қилиниб, турли номдаги китоблар савдоси ташкиллаштирилди.

**Абдурасул АБДУНАБИЕВ,**
**капитан.**
**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Илҳом ЭГАМБЕРДИЕВ**
**олган суратлар.**

ТОМОРҚА – ДАРОМАД МАНБАИ

**Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги 4-сонли ИИБ ҲПБ 74-сонли таянч пункти профилактика катта инспектори катта лейтенант Феруз Норхоловнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ўзи хизмат кўрсатадиган «Пахтаобод» МФЙ ҳудудида жорий йил бошидан ҳозирга қадар биророта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Оилавий низо сабаб қайд этилган 2 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам атрофлича ўрганиб чиқилиб, олиб борилган тушунтириш ишлари сабабли муаммо жойида бартараф этилди. Аммо бугун Феруз Норхоловнинг хизмат фаолияти тўғрисида эмас, ўз томорқасидан оқилона фойдаланаётгани ҳақида сўз юритмоқчимиз.**

# ЕРГА МЕҲР БЕРИБ



Лавҳамиз қаҳрамонининг хонадонига ташриф буюрсангиз, ҳовли олдида экилган атиргуллару райҳонлар ифори беихтиёр баҳри-дилингизни очади. Қалдирғочнинг шифтдаги инидан мўралаб турган митти полопонлари вижир-вижири хонадонга ажиб файз бахш этади. Феруз Норхолов бўш вақт топди дегунча, ерига меҳр улашади. Томорқада ишлаётганида бор чарчоғу ташвишлари унутилади. Она заминдан куч-қувват олиб, яшашга иштиёқи янада кучаяди.

– Эсимни танибманки, томорқамизнинг бир қаричини ҳам қаровсиз қолганлигини кўрмаганман, – дейди у. – Ота-онам ҳалол меҳнат ортидан 5 нафар фарзандни вояга етказиб, олий маълумотли қилиш билан бирга, меҳнат орқали саранжом-саришталикка, ҳалолликка ўргатдилар. Етиштирган ҳосилимиз туфайли дастурхонимиз тўкин-сочин бўлади. Ортиқча мева-сабзавотларни дўконларга тарқатамиз.

Ҳовлини кўздан кечирар экансиз, олма, ўрик, гилосларнинг мўл-кўл ҳосили кўзингизни қувнатади. Айни пайтда помидор жўякլари орасидаги бўш ердан унумли фойдаланиш мақсадида 40 туп лимон кўчати экишибди. Уч сотих майдонда мўъжазгина иссиқхона ташкил этилган. Томорқада картошка, бодринг, кўкатлардан ташқари, карам ва қулупнай ҳам етиштирилаётгани хонадон аҳлининг миришкорлигидан далолат бериб турарди.

Бугун бозорларимизда деҳқончилик маҳсулотларига ҳар доимгидек талаб юқори. Томорқадан фойдаланиш маданиятини янада ривожлантириш табиий озуқалар ёрдамида экологик мева-сабзавот етиштириш имконини бериш баробарида, ёшларни ҳам меҳнатсеварликка ўргатади. Шу маънода эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш билан бирга, томорқасида ишлашга ҳам вақт топиб, оиласига қўшимча даромад келтираётган Феруз Норхоловдан бошқа ходимлар ҳам ибрат олса арзийди.

**Дилрабо АБДУҲАМИДОВА.**
*Навоий вилояти.*

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# «ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ»

**... Анча йиллардан бери ички ишлар органлари тизимида фаолият юритиб келаётган подполковник Расул Абдуллаевнинг хизмати 2012 йили ИИВ Наманган госпиталидан пойтахтга, Тиббиёт бошқармасига кўчирилди. Хизмат фаолиятидаги бу ўзгариш унга қанчалар қувонч бахш этса-да, кўнглининг бир четида ҳадик ва хавотир ҳам йўқ эмасди. Ахир, азим пойтахтдан қисқа фурсатда уй-жой қилиш осонми? Бунинг устига, ўғли Иброҳим ҳамда қизи Нодира институтда контракт асосида ўқийди...**

Расул ака турмуш ўртоғи Малоҳат опага: «Ижарама-ижара юрсак ҳам, фарзандларни ўқитиш зарур», деди. Оила ҳаётнинг қорли-ёмғирли кунларини ҳам кўрди, барини сабр-бардош билан енгишга уринди.

Кунларнинг бирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 444-сонли қарорига асосан ички ишлар органлари ходимларига ҳам кўп қаватли уйлардан квартиралар сотиб олиш мақсадида тижорат банкларининг узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратилаётгани, фоизсиз қарзлар берилаётганидан хабар топиб, Расул аканинг кўнгли ёришиб кетди.

Ниҳоят, орадан йиллар ўтиб орзиқиб кутилган кунлар келди. Навбати етиб, Сергелидаги янги қурилган кўп қаватли уйларнинг биридан узоқ муддатли кредит асосида квартира ажратиладиган бўлди.

– Янгиликдан бошим осмонга етди, – деб эслайди ўша кунларни Расул ака. – Ахир, қанча йил ижрама-ижара юриб, кўп қийинчиликларни бошимиздан ўтказдик. Ўз уйинг бўлгани қандай яхши. Ишингда ҳам ҳаловат бўлади, хотиржам хизмат қиласан. Ҳукуматимизга, ИИВ раҳбариятига раҳмат.

– Кенг ва ёруғ, шинам квартирамизда ҳамма шароитлар бор, – дейди унинг турмуш ўртоғи Малоҳат Аҳмаджонова. – Айниқса, уй бекалари учун яратилган қулайликлардан кўз қувнайди. Хонадон газ плитаси, ошхона мебели, сантехника буюмлари билан жиҳозланган экан. Жуда хурсанд бўлдик.



– Менга уйнинг дизайни жуда ёқди, – дейди оиланинг кенжа қизи Шоира. – Йўлаклари ҳам кенггина, меҳмон кутганда ноқулайликлар бўлмайди. Барча ҳолатлар инобатга олинган.

Расул ака хонадонида жуда кўп китоблар борлиги бу оилага янада ҳавасимни оширди. Бир-иккитасини очиб, варақлаётганимни кўрган Шоира: «Бўш вақтларим китоб ўқишни яхши кўраман. Буларни кеча ўқиб тугатгандим», деди. Суҳбатимиз ўз-ўзидан китобхонликка йўналиб, анча фикрлашдик.

– Педагогман, касбимни яхши кўраман, – дейди Малоҳат опа. – Ўқиган ҳеч қачон хор бўлмайди. Шу боис ҳам турмуш ўртоғим билан фарзандларимизни ўқиб, илм олишини, ўз устида изланишини истаб, китобга меҳр уйғотдик. Уч нафар фарзандимиз бор, бир ўғил, икки қиз. Ўғлим Иброҳим ҳам, катта қизим Нодира ҳам институтни имтиёзли диплом билан битирди. Кенжа қизим Шоира Низомий номидаги педагогика университетида таҳсил олмоқда. Ўғлим отасининг изидан кетди, айни пайтда Тошкент шаҳар ИИББда ишлайди. Раҳбарият томонидан оиламизга миннатдорчилик топширилганида, очиғи, кўзларимга ёш келди. Фарзандим касбини тўғри танлаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

– Дарҳақиқат, фарзандлар камолини кўриш бахт, илойим, фарзандларингизнинг эртанги куни ёруғ бўлсин. Энди бу хонадонда тўйлар қилинг.

– Катта қизимни узатганмиз, Имронбек исмли набирамиз бор. Ўғлимни ҳам уйлантириш тараддудидамиз. Насиб қилса, яқинда тўй. Келинни янги уйга туширамиз деб ният қилиб юргандик, мана, ўша кунларга ҳам етадиган бўлдик. Аллоҳга шукр.

**– Келиннинг касби нима: ички ишлар органи ходимими ёки педагогми?**

– Педагог, – дея яйраб кулади Малоҳат опа. – Кўзингиз тушган бўлса керак, домларнинг пастки қаватларида мактабгача таълим муассасаси, мактаб қурилмоқда. Худо хоҳласа, ўзим ҳам, қизим ҳам шу ерга ишга жойлашамиз деб ният қилиб турибмиз.

Айни пайтда ИИВ Тиббиёт бошқармаси назорат инспекцияси бош назоратчиси лавозимида фаолият юритаётган подполковник Расул Абдуллаевнинг бахтиёр оиласини тарк этарканман, бир файласуфнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушади: «Зиммангиздаги инсоний вазифаларни адо этинг – бахтнинг ўзи сизни излаб топади. Инсоний вазифаларни адо этиш учун эса кучли ирода талаб этилади». Барчага ана шундай саодатли кунларни тилагим келди.

**Адолат ФАЙЗИЕВА.**
**«Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ҚУТЛОВ

**Карантин даврида таълим олиш жараёни тўхтаб қолмаслиги учун Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида телевизион дарслар ва масофавий таълим ташкил қилинди. Шу мақсадда жорий этилган «Онлайн-мактаб» лойиҳасида мамлакатимизнинг энг маҳоратли 211 нафар педагог ходими иштирок этди.**

## ЖАМОАМИЗ ФАХРИ



Телевизион дарсларга жалб қилинган педагоглар муносиб равишда моддий ва маънавий рағбатлантирилиб, уларнинг 35 нафарига «Халқ таълими фидойиси», 86 нафарига «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, 108 нафарига эса фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар, шунингдек, Халқ демократик партиясининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

«Онлайн-мактаб» лойиҳасида иштирок этган ИИВ Ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг биринчи тоифали тарих фани ўқитувчиси Матлуба Усмонова ҳам юртимиз ёшларига астойдил сабоқ берди. Унинг фидокорона хизматлари муносиб эътироф этилиб, «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Ҳамкасбимизни эришган ютуғи билан қизғин муборакбод этамиз!

**Шерали ТЎРАЕВ,**
**ИИВ Ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, полковник.**

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОАВ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# РАҲМАТУЛЛА АКАНИНГ «ТЕМИР САНДИҒИ»

**Таҳририятнинг ижодий ходимлари газетанинг навбатдаги сонини режалаштириш учун йиғилишди. Бош муҳаррир ўринбосари аввал масъул котибга юзланиб сўради:**

– Хўш, ғаладонингизда қанақа тайёр материаллар бор?

– Деярли ҳеч нарса қолмади, – деди масъул котиб унга иккита мақолани узатар экан.

– Эҳ, Раҳматулла аканинг қадри ҳалиям билиняпти.

Бош муҳаррир ўринбосарининг бу гапини эшитиб таҳририятда анчадан буён ишлайдиган ходимлар бир-бирига маъноли қараб, кулимсираб қўйишди...

Ҳа, Раҳматулла Бердиевнинг ИИВ Бирлашган таҳририяти масъул котиби сифатида фаолият кўрсатган кезларини у билан бирга ишлаганлар яхши эслашади. Бу инсоннинг биринчи энг муҳим хусусияти – тузилган режанинг, албатта, бажарилишига эришарди. Бунинг учун бўлим мудирларини ҳам, мухбирларни ҳам ўз ҳолига қўймасди. Баъзан мухбирнинг хонасига кириб: «Шу мақолангизни топширсангиз, фалон саҳифани ёпардик», деб қистарди. «Одамни шошилтирманг», дейишса, «Шошилмасдан, тез-тез ёзинг», деб ҳазил қиларди.



Иккинчидан, ҳар бир материални синчиклаб ўқиб чиқарди. Ноаниқ фактларни, ғализ жумлаларни дарҳол пайқаб, ўша жойларни белгилаб қўярди. Сўнг муаллифни чақиртириб, тузаттирарди. Айримлар «Раҳматулла ака, шуни ўзингиз ҳам таҳрир қилиб қўйсангиз бўларди-ку», дейишса, «Авваламбор, мен таҳрир қилсам, муаллифнинг услуби бузилиши мумкин. Қолаверса, ўзи тузатса, кейинги гал хатосини такрорламайди», дерди.

Айниқса, ёш мухбирларга ниҳоятда эътиборли эди. Уларга материал йиғиш, интервью олиш, репортаж тайёрлаш бўйича керакли маслаҳатларни берарди.

Унинг иккита папкаси бўларди. Уларнинг бирига жиноят тафсилотлари ҳақидаги материалларни, суд очеркларини, иккинчисига эса «Турмуш чорраҳаларида», «Мулоҳаза» рукнидаги мақолаларни йиғиб борарди. Режалаштириш чоғида «Запас материал йўқ», деб тураверарди. Ўзлари ёзиб топширган мақолаларини эслатмоқчи бўлган мухбирларга «У материалларни ёддан чиқаринг. Янгисини ёзинг», дерди.

Гоҳида Бош муҳаррир ўринбосари унинг хонасига кириб: «Раҳматулла ака, қани «темир сандиғ»ингизни очинг-чи», деб қоларди. Шунда Раҳматулла ака столининг тортмасидан ҳалиги иккита папкани оларди. Шундан сўнг газетанинг навбатдаги сонида умуман долзарблигини йўқотмаган, ҳали «оҳор»и тўкилмаган, журналистлар тили билан айтганда, «мих» мақола пайдо бўларди.

Раҳматулла ака нафақага чиқаётиб, ўрнига тайинланган масъул котибга «запас» материалларга тўла ўша икки папкани қолдириб кетди. Нашримиз анча пайтгача унинг «мерос»идан баҳраманд бўлиб турди. Ҳалигача унинг материал ундириш маҳоратини, кейинги бир неча соннинг ғамини олдиндан еганини эслаб турамиз. Ҳамкасбларимиздан бири «Раҳматулла ака онасидан масъул котиб бўлиб туғилган», деган эди. Бу гапда жамоамиз фахрийси Раҳматулла Бердиевнинг касб маҳоратига берилган юксак баҳо мужассам, деб ўйлаймиз.

**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА

# БЎЗАТОВ ТУМАНИ:
# ЯНГИ ҚИЁФА, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

**Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида ҳар бир туманнинг ўзига хос ўрни бор. Қорақалпоғистоннинг янги ташкил этилган Бўзатов тумани келгусида гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб беришда катта салоҳиятга эга туманлардан бирига айлантирилиши режалаштирилганлиги билан аҳамиятлидир.**






*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Ҳудудларда аҳоли яшаши учун қулай шароит яратиш бугунги замон талабидир. Шу боисдан ҳам туман ҳудудида аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш ва иш билан таъминлаш мақсадида уч типдаги савдо мажмуаси, 1000 томошабинга мўлжалланган стадион, 800 ўринли амфитеатр, шунингдек, 300 киши ишлайдиган тикувчилик фабрикаси фойдаланишга топширилиш арафасида. Яна бошқа қатор объектларда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.



Бўзатов тумани ҳақида гап кетганда, 2019 йил 7 ноябрь куни Президентимиз томонидан қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига тўхталиб ўтиш жоиз. Қарорда Мўйноқ, Тахтакўпир ва Қўнғирот туманлари қаторида Бўзатов туманини чорвачиликка ихтисослаштириш, ҳудудда замонавий чорвачилик комплексларини ишга тушириш, яйлов ва пичанзорлардан самарали фойдаланиш ҳисобига аҳолининг чорвачилик маҳсулотлари, айниқса, гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш даражасини яхшилаш ҳамда даромадини ошириш бош мақсад сифатида белгиланган.

Айни пайтда тумандаги «Бўзатов яйлови» ишлаб чиқариш кооперативи томонидан қорамоллар учун янги – гидропоника усулида озуқа етиштириш бўйича тажриба ўтказилмоқда. Лойиҳа ҳукуматимиз ва БМТнинг қўшма лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай усулда етиштирилган озуқа илгари сарфланадиган харажатни 50 фоизга қадар тежаш имкониятини берса, сут ва гўшт маҳсулдорлигини 15–25 фоизга ошириб, ҳайвонлар соғлиғини яхшилаш билан бирга, уларни ветеринария дориларидан 70 фоизгача озод қилади.







Туманда чорвачилик билан бир қаторда, балиқчилик, ғаллачилик ва бошқа йўналишларда 80 га яқин фермер хўжаликлари фаолият олиб бормоқда.

– Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар «маҳалла-туман» тамойилига кўра амалга оширилмоқда, – дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Руслан Турғанбаев. – Аввало, жойларга видеокузатув ускуналари ўрнатилиб, патруллик йўналишлари кўпайтирилди. Уйма-уй юриб, аҳоли билан суҳбатлашиш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўриляпти. Низоли оилалар аниқланиб, нуронийлар, фахрийлар ва имом-хатибларни жалб этган ҳолда, тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кўрилгани туфайли 2019 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида биронта ҳам жиноят содир этилмади.




Маълумки, бугунги кунда ҳудудни секторларга ажратган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш амалиёти жорий этилган. Албатта, сектор раҳбарлари ўзларининг асосий вазифалари билан бирга, сектор ҳудудида амалга оширилаётган ишлари уларнинг фаолиятига баҳо беришда мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Тумандаги 3-секторга «Кўксув» овул фуқаролар йиғини ҳам киради. Ушбу овул фуқаролар йиғинида 760 оила бўлиб, уларда 3948 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўрганишлар давомида ҳудудда 31 та кам таъминланган оила, 16 нафар ногирон, 5 нафар боқувчисини йўқотган ҳамда 2 нафар ёлғиз яшовчи борлиги аниқланди. Шунга кўра, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож 10 та оилага 9 та фермер хўжалиги бириктирилди. Айни карантин даврида ҳомийлар томонидан ёрдамга муҳтож 67 та оилага 26 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилиб, 20 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, ёрдамга муҳтож 9 та оилага кичик иссиқхоналар қуриб берилди.

– Илгари пул топиш учун хорижга бориб ишлаб келардим. Яқинда менга 5х5 метр ҳажмдаги ерга иссиқхона қуриш ва ерни суғориш учун сув насоси олишда амалий ёрдам беришди. Бу ерга помидор ва бодринг экдим. Ҳозирда пишиб етилган маҳсулотларни сотиш орқали оиламнинг моддий аҳволини яхшилаяпман. Асосийси, узоққа бормасдан, оилам бағрида даромад қиляпман. Шундай имконият яратиб берган учун сектор раҳбарларидан миннатдорман, – дейди «Кўксув» овул фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Назаримбет Сагидуллаев.

Хуллас, ташкил топганига кўп вақт бўлмаган Бўзатов тумани бугун янги қиёфа касб этиб бораётир. У яқин келажакда мамлакатимизда катта салоҳиятга эга туманлардан бирига айланишига шубҳа йўқ. Зеро, айни шу хайрли мақсад рўёби учун дастлабки дадил қадамлар ташланди. Бу йўлда ички ишлар органлари ходимлари ҳам камарбаста бўлишмоқда.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**«На посту» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# УНГА ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИ



**Мафтуна уй юмушларини саранжомлаб телевизорни ёққанди, вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси томонидан иқтидорли, кўп тилни биладиган ёшлар ишга таклиф қилинаётгани ҳақидаги эълонни кўриб қолди. Кўзида қувонч, қалбида қуёш чарақлагандай бўлди. Мақсадига етишиш учун аввал турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашишни лозим топди.**

– Мен қарши эмасман. Лекин ота-онам нима дейдилар? Мактабдаги ишинг нима бўлади? – деди турмуш ўртоғи.

– Уларни иккимиз кўндирамиз, – деди Мафтуна ишонч билан.

Бу гапни эшитган қайнонаю қайнотаси қаршилик қилиб ўтирмади:

– Қайси соҳада ишласангиз ҳам ҳалол бўлинг, оилани асло унутманг, – дейишди. Мактаб жамоаси иқтидорли ўқитувчидан ажралиш оғир бўлса-да, унга омад тилашди.

Шундай қилиб, Мафтуна Эргашова ҳужжатларини вилоят ИИБ Кадрлар бошқармасига топширди. Барча синовлардан ўтиб, хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармасининг Жамоат тартибини сақлаш гуруҳи инспектори лавозимига хизматга қабул қилинди. Фаолияти давомида у Бухоро шаҳрининг тарихий объектларида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш билан бирга, маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳларга амалий ёрдам кўрсатиб келди. Унга бу соҳада бошқарманинг тажрибали ходимлари, айниқса, гуруҳ катта инспектори, катта лейтенант Руслан Акрамов мураббийлик қилиб, касб сирларини ўргатмоқда.

– Бухоро давлат университетининг хорижий филология факультетини тугатганим, инглиз, француз, шунингдек, рус ҳамда тожик тилларини мукаммал билганим хизматда асқатяпти, – дейди лейтенант Мафтуна Эргашова. – Қолаверса, ҳамкасбларим ёрдамида тажрибам ҳам ошиб бораяпти.

Мафтуна қисқа вақтда жамоада обрў-эътибор қозонди. Оилада ҳам уни тўғри тушунадиган инсонлари борлигидан миннатдор. Турмуш ўртоғи катта лейтенант Музроб Раҳматов Қоровулбозор тумани ИИБ жиноят қидирув бўлинмаси тезкор вакили. Иккиси хизматидан ортиб, ширингдан-шакар Миржаҳон ва Миршайхни тарбиялашга ҳам вақт ажратишади. Мафтунахон хизматидан, оиласидан бўш пайтида китоб ўқишни хуш кўради. Уйида мўъжазгина кутубхонаси бор.

Лейтенант М. Эргашова хизмат фаолияти давомида ўттизга яқин маҳаллий ва хорижий сайёҳга тиббий ёрдам кўрсатди. 420 нафардан ортиқ адашган сайёҳларни манзилига йўналтириш билан бирга, уларга Бухоро шаҳрининг харитасини ҳам тақдим этди. Яна лицензиясиз ва ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келаётган меҳмонхоналар бўйича ўтказилган тезкор тадбирлар ҳамда бошқа оммавий тарғибот ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Қисқаси, лейтенант Мафтуна Эргашова хизматга ҳеч қачон юзаки ёндашмайди. Хизматдан, рўзғор ташвишидан нолимайди. Шу боис ҳам унга ҳамма ҳавас қилади.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

# ТИЛСИЗ КЎМАКЧИЛАР ДОИМ ЁРДАМГА ШАЙ

**Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни «изи совимасдан» фош этишда кинология хизматининг алоҳида ўрни бор. Шу боис Фарғона вилоятида мазкур хизматни замон талаблари даражасида такомиллаштириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш, ҳар қандай топшириқни пухта адо эта оладиган зотдор хизмат итларини парваришлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**





Ҳозирги кунда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизматида 53 нафар инспектор-кинолог фаолият кўрсатади. Уларга 71 бош хизмат ити бириктирилган.

Соҳа ходимлари хизмат итлари билан жорий йилнинг дастлабки 4 ойи давомида 171 марта ҳар хил турдаги жиноятларни «иссиқ изида» фош этишда бевосита қатнашишди. Улар томонидан ҳамкорликда 98 та жиноят қисқа фурсатда фош этилишига эришилди, 1,5 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик воситалари аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Албатта, бундай ютуқларда маҳоратли, фидойи кинологларнинг ҳиссаси беқиёс. Улар хизматни бекаму кўст адо этиш билан бирга, соҳа ходимлари ўртасида республика миқёсида ўтказилаётган турли мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлишмоқда. Масалан, ўтган йилнинг август ойида Хоразм вилоятида ўтказилган «Аълочи кинолог» кўрик-танловида гуруҳ командири, катта сержант Исломжон Тиллабоев кўл жанги бўйича ғолибликни қўлга киритган бўлса, инспектор-кинолог, сафдор Дилшод Маҳкамов саф тайёргарлигидан иккинчи, ўқ отиш машқидан учинчи ўринни эгаллади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ички ишлар органлари кинология хизматини ривожлантиришга катта эътибор берила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Ички ишлар органларининг кинология хизматлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2020–2022 йилларда вилоятнинг учта ҳудуди – Қўқон шаҳри, Фурқат ва Олтиариқ туманларида кинология гуруҳлари ташкил этилиб, махсус бинолар қурилиши режалаштирилган.

Вилоятда хизмат олиб бораётган инспектор-кинологлар босқичма-босқич ўқув жараёнига жалб этилиб, уларга хизмат итлари билан ишлаш сирлари ўқитиб борилади. Бундай ўқув курсларида назарий билимнинг амалиёт билан уйғунлаштирилиши натижасида кинологларнинг малака ва тажрибаси ошмоқда.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 4 декабрдаги соҳа ходимларининг малака тоифаларини белгилаш тўғрисидаги буйруғига мувофиқ, вилоятда 33 нафар инспектор-кинолог назарий ва амалий синовлардан муваффақиятли ўтиб, ҳозирги кунда махсус малака тоифасига эга бўлди.

– Мен хизмат итлари саломатлигини мунтазам назорат қилиб бораман, – дейди кинология хизмати ветеренар-фельдшери, сафдор Абдурасул Ҳакимов. – Итлар гапира олмаса ҳам, инсонни жуда яхши тушунади, ҳар хил ҳолат ва шароитларни тезда сезади, ҳидларни бир-биридан жуда яхши фарқлай олади. Шу сабабли ходимлар томонидан берилган топшириқларни аъло даражада бажаради.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Суратларда: вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати фаолиятидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.**
*Фарғона вилояти.*

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

# «ХАТОЛАРИМНИ АНГЛАБ ЕТДИМ...»

**Адашганни тўғри йўлга бошламоқ – хайрли иш. Бинобарин, бундан жамият ҳам, давлат ҳам наф кўради. Мамлакатимизда сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.**



Мафкуравий тарғибот бўлимлари зиммасига аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, деструктив ғоя таъсирига тушган шахслар билан ишлаш, терроргичлик ва экстремизм ташкилотлари сафига кириб қолган шахсларни тузалиш йўлига ўтказиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш ва реабилитация қилиш вазифалари юклатилди.

Фарғона вилояти ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси таркибидаги Мафкуравий тарғибот гуруҳи фаолияти ҳам ўзининг ижобий натижасини кўрсата бошлади.

Вилоятда «Ҳизб ут-таҳрир» экстремистик ташкилоти ғояларига берилган 102 нафар шахс бўлиб, улар билан мунтазам профилактик суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилди. Имом-хатиблар ва бошқа диний уламолар билан биргаликда ўтказилган суҳбатларда ислом динининг асл моҳияти, умуминсоний қадриятлар, экстремистик ва террористик ташкилотлар, уларнинг ғараз мақсади ва бунинг салбий оқибатлари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб берилди. Бу саъй-ҳаракатлар эса кутилган самарани бера бошлади. Бугунги кунга келиб юқоридаги шахсларнинг 47 нафари ёт ғоялар таъсирига адашиб кириб қолганлигини, ислом динининг асл моҳиятини тушуниб етди. Улар қилмишларидан астойдил пушаймонлигини, қайта бу йўлга кирмаслигини баён этиб, тўғри йўлни танлашди.

– Бир неча йиллар илгари адашиб нотўғри диний эътиқод таъсирига тушиб қолгандим, – дейди Қува шаҳрида яшовчи Набижон Мамажонов.

– Бугун қилган хатоларимни англаб етдим. Имом-хатибларимиз, ички ишлар органларининг масъул ходимлари танлаган йўлимнинг нақадар хато эканлигини аниқ далиллар билан тушунтириб беришди. Тўғри йўлдан адашганимни чин юракдан ҳис этдим. Ҳозир косибчилик билан шуғулланяпман. Энди ҳалол меҳнат қилиб, юртимиздаги ислоҳотларга озми-кўпми, ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Вилоятда бу борадаги тарғибот ишлари давом эттирилмоқда.

**Акмалжон ҲАЙДАРОВ,**
**майор.**
*Фарғона вилояти.*

МУНОСАБАТ



**Баҳриддин СУЛТОНОВ,**
**ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.**

# БОЙ ТАЖРИБА – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Бошқа соҳаларда бўлгани каби, ички ишлар органлари тизимида ҳам устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилган. Бу, ўз навбатида, ёшларда касбга садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Бундан ташқари, соҳада узоқ йиллар фаолият кўрсатган ходимларнинг мамлакатимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этиш йўлида кўрсатган жонбозликлари ва бой тажрибаси хизмат самарадорлигининг ошишида алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли қарори талабларига мувофиқ, 2019 йилнинг 12 ойида ички ишлар органлари томонидан тегишли манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган профилактик-огоҳлантирув тадбирлари мобайнида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жамоат тартибини бузган, тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган, ўзбошимчалик билан оиладан ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан кетиб қолган, адашган ёки қаровсиз қолдирилган 16 816 нафар вояга етмаган ички ишлар органлари таянч пунктларига келтирилиб, якка тартибдаги профилактик ишлар амалга оширилди. Хусусан, қаровсиз, назоратсиз қолган, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамга муҳтож 1 738 нафар вояга етмаган Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож бўлган 12 нафар бола Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасасига ва 46 нафар қиз Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиб, якка тартибдаги профилактик ишлар қамровига олинди.

Ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олинган 1 697 нафар ҳамда якка тартибдаги иши юритилишига олинган 2 249 нафар вояга етмаганнинг 25 нафари ишга жойлаштирилди, 1 049 нафари ўқишга қайтарилди, 2 470 нафари турли спорт тўгаракларга, 2 136 нафари факультатив тўгаракларга жалб этилди.

Амалга оширилган якка тартибдаги профилактик тадбирлар натижасида тузалиш йўлига кирганлиги, соғлом турмуш тарзига қайтганлиги учун 1 096 нафар вояга етмаган ва 1 618 нафар ота-оналар ички ишлар органлари профилактик ҳисобидан чиқарилди.




Ёш авлодни ёт ғоялардан асраш, адашганларини тўғри йўлга қайтариш, уларда фаол фуқаролик позицияси ва мафкуравий иммунитетни, ташаббускорлик, фидойилик ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, ёшларни турли таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилиш, айниқса, профилактик ҳисобда турган, ҳуқуқбузарлик содир қилишга ва салбий иллатга мойил бўлган ёшларда соғлом дунёқарашни, Ватанга меҳр ҳамда садоқат туйғуларини шакллантириш бўйича манзилли ишларни ташкил этиш борасида барчага шахсий намуна кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси **фуқаролари, шу жумладан, ички ишлар органлари ходимлари давлатимизнинг юксак мукофоти – «Фахрий мураббий» ордени билан тақдирланиши уларнинг меҳнатига муносиб рағбат бўлади.**

АСПЕКТ ПРОФИЛАКТИКИ

# Дерево держится корнями, а человек – работой

**Уроженец Зангиатинского района столичной области старший инспектор профилактики ОП № 219 ОВД №4 УКД ОВД Сергелийского района города Ташкента подполковник Полат Курганбаев окончил Наманганский государственный педагогический институт (ныне Наманганский государственный университет), однако он оставил довольно перспективную профессию инженера-педагога, поскольку сердце выбрало другой путь – службу в органах внутренних дел.**



– Трудно в двух словах объяснить, почему человек выбирает ту или иную дорогу жизни. Может, судьба ведет? – рассуждает подполковник П. Курганбаев. – В таком случае, моя судьба складывается счастливо: я нашел свое призвание: служить людям, помогать находить им верную дорогу, исправлять ошибки молодости, поддерживать юные заблудшие души. Кто-то может сказать, что в моих словах много пафоса. Я говорю вполне искренне, не из-за того что хочу «заработать очки», просто эти качества – сострадание, неравнодушие к проблемам ближнего – привиты нам нашими родителями. С первых лет службы я понял, что ничуть не жалею о том, что все так сложилось. Инспектору профилактики приходится быть и психологом, и следователем, и воспитателем, иной раз и оперативным сотрудником, и даже своего рода третейским судьей. Такая вот многогранная работа.

Со всеми этими гранями Полат Курганбаев познакомился, когда приступил к обязанностям инспектора профилактики в махалле Нугойкургон Сергелийского района в далеком 2000 году. По его собственному признанию, в то время вверенный ему участок трудно было назвать спокойным: здесь проживали представители разных национальностей: татары, латыши, уйгуры, таджики и многие другие. Были те, кто требовал к себе внимания: ранее судимые, страдающие алкоголизмом или «увлекающиеся» наркотиками. Но самым удручающим являлось безразличие этих великовозрастных бездельников и лиц, ведущих асоциальный образ жизни, к собственным детям. Зато сегодня, благодаря слаженной работе сотрудников профилактики с активистами махалли, работа по предупреждению преступлений и правонарушений дает положительные результаты.

Подполковник П. Курганбаев – ныне старший инспектор профилактики опорного пункта № 219 махалли Нугойкургон, где начинал когда-то. Сегодня здесь царит совсем иная атмосфера, нежели, когда Полат Сэйталиевич пришел сюда молодым инспектором.

– Всему, что я сегодня знаю, меня обучил мой наставник – ныне покойный майор в отставке Фазлиддин Содиков. Он говорил, что найти общий язык можно с любым человеком, даже с самым отъявленным рецидивистом, которого, казалось бы, уже ничто не заставит поменять образ жизни. Главное – видеть в нем человека со своей судьбой, «сломавшегося» под тяжестью обстоятельств. Нельзя разговаривать с людьми высокомерно, грубо. Но и панибратством заниматься тоже не стоит. В первом случае – настроишь против себя, во втором – потеряешь всякое уважение. А чтобы лучше понять характер людей, проживающих на вверенном участке, необходимо сначала установить взаимодействие с махаллинским активом, аксакалами, уважаемыми людьми, – продолжает П. Курганбаев и вспоминает несколько случаев из своей практики.

Жил в махалле мужчина, назовем его Назарбек. Два раза он привлекался к уголовной ответственности за кражу. Полат Сэйталиевич не раз беседовал с ним, помог устроиться на работу. Сейчас вместе с аксакалами и инспектором по вопросам женщин ОВД № 4 УКД ОВД Сергелийского района они прилагают все усилия к тому, чтобы Назарбек помирился с женой, и семья воссоединилась.

В другом случае Толиб (имя изменено) едва не потерял семью из-за пристрастия к спиртному: не выдержав запоев мужа, постоянных денежных затруднений, женщина забрала троих детей и ушла. В исправление Толиба не верил никто, даже его близкие. Не терял надежды только П. Курганбаев: он вместе с уважаемыми в махалле людьми провел не одну профилактическую беседу и добился того, что мужчина пить бросил. Толиб помирился с женой. Сегодня они живут в мире и согласии, открыли надомный бизнес: на приусадебном участке, в теплице разводят комнатные цветы.

Примечательно, что во время беседы подполковник, не задумываясь, называл имена, даты рождения своих «подопечных», кто за совершение какого проступка попал в поле зрения правоохранительных органов. Так бывает, когда человек пропускает через себя беды других и всей душой болеет за их судьбу.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ

# ДИСТАНЦИОННЫЕ ЗАНЯТИЯ

**В связи с пандемией коронавируса многие специалисты перешли на дистанционный режим работы и обучения. Не стали исключением и сотрудники органов внутренних дел, наряду с медиками, ставшие основной силой в борьбе с распространением заболевания. Продолжается работа по улучшению эффективности службы, повышению профессиональной подготовки и квалификации сотрудников сферы.**



В структуре Министерства внутренних дел Республики Узбекистан действует Институт повышения квалификации. Раньше его региональные филиалы проводили выездные занятия согласно установленному плану. Сотрудники без отрыва от служебной деятельности обогащали свои профессиональные знания, повышали навыки и мастерство.

Условия пандемии перевели работу по повышению калификации на дистанционные рельсы. В текущем году профессора-преподаватели Института повышения квалификации МВД проводят дистанционное обучение сотрудников Организационного управления Республики Каракалпакстан.

Оно проводится в онлайн-режиме (видео-лекции, рекомендации, проведение контрольных работ) и оффлайн-режиме (самостоятельное освоение учебно-методических ресурсов, соответствующих системе данного вида образования). Посредством официального веб-сайта института можно пользоваться личным кабинетом и электронными ресурсами системы.

– Учебный процесс продлится до 8 июля. Он рассчитан на один месяц и основан на 4 модулях. Слушатели в режиме реального времени самостоятельно осваивают учебно-методические ресурсы соответствующей образовательной системы. Ожидаются гарантированные результаты. Цель – развить в сотрудниках отраслевых служб самостоятельное мышление, умение оценить ситуацию, делать выводы и прогнозы, – говорит заместитель директора Каракалпакского академического лицея МВД Республики Каракалпакстан, доктор философии (PhD) по юридическим наукам подполковник Сапарбай Алламбергенов.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Республика Каракалпакстан.*

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

# ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ БЎЛАДИ

**БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизи аёллар ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600–800 минг нафар аёллар ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.**

Бу салбий ҳодиса глобал жараён сифатида бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Юртимиз фуқаролари орасида ҳам одам савдоси қурбонига айланаётганлар учраб туради. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосидан жабр кўрганларни муҳофаза этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

**2 млн 700 минг**
киши одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Одам савдосидан олинаётган йиллик даромад
**7 млрд**
АҚШ долларидан ошиб кетган.

Ҳар йили дунё бўйича
**600–800 минг**
нафар аёллар ва болалар сотиб юборилмоқда.





Мамлакатимизда ушбу долзарб муаммоларга қарши курашиш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шу йўналишдаги чора-тадбирларни тўлақонли ижро этиш мақсадида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу жараёнда ишчи гуруҳ таркибида ИИВ вакиллари ҳам фаол қатнашишди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти қонун лойиҳасининг сифатли тайёрланишига вазирлик мутахассислари муносиб ҳисса қўшишганини алоҳида эътироф этди.

Айтиш керакки, 2008 йилда қабул қилинган амалдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда бу йўналишдаги фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва уларга кўмаклашувчи субъектларнинг аниқ ваколатлари ва ҳамкорлик қилиш механизмлари белгиланмаган эди. Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси устида ишлаш чоғида шу каби камчиликлар бартараф этилди.

Бундан ташқари, жойлардаги одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссиялар жабрдийдаларни ижтимоий реабилитация қилишга масъул бўлса-да, бунинг муддати, тартиби ва ёрдам турлари, бу фаолиятнинг молиявий асоси аниқ белгилаб берилмагани туфайли фаолият юритиш имконияти чекланиб келмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўз борар экан, кўз ўнгимизда, энг аввало, иш излаб хорижга чиқиб кетаётган юртдошларимизнинг тақдири жонланиши табиий. Чунки бундай муаммолар домига кўпроқ меҳнат мигрантлари дуч келаётгани сир эмас. Айни пайтда хорижда одам савдосининг жабрдийдаси деб тан олиниши лозим бўлган минглаб фуқароларимиз ўз қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишини кутмоқда.

Зеро, амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ, фуқароларни одам савдосининг жабрдийдаси деб тан олиш амалиёти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ фақатгина қўзғатилган жиноят иши асосида амалга оширилади. Демак, хорижий давлатлар ҳудудида фуқароларимиз билан боғлиқ одам савдосига оид ҳолат юз берса, тўлақонли терговга қадар текширув ўтказиш ва вазиятга ҳуқуқий баҳо бериш имконияти мавжуд эмас.

**Биргина 2019 йилда одам савдоси сифатида квалификация қилинадиган хатти-ҳаракатлар бўйича тушган мурожаатларнинг 86 фоизи хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган. Қонунчилигимиздаги камчиликлар туфайли ушбу фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш, яъни уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувига қадар тегишли ёрдам кўрсатишнинг имкони бўлмаган.**

Яна бир муаммо – қонунчилигимизда вояга етмаган шахслар савдосига қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари аниқ белгиланмаган. Шу сабабли мазкур йўналишда фаолиятни самарали ташкил этиш имкони бўлмаяпти. Хусусан, фуқароларимиз болани фарзандликка олиш бўйича қонун-қоидаларни яхши билмаслиги натижасида шу мақсадда чақалоқларни сотиб олиш ҳолатлари кўп учраяпти. Оқибатда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар таркибида вояга етмаганлар савдоси улуши **43,6 фоизни** ташкил этмоқда.

Бу ҳолатлар нафақат жамоатчилигимиз, балки инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотларнинг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Мисол учун, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва АҚШ Давлат департаментининг шу соҳага ихтисослашган экспертлари миллий қонунчилигимизни ушбу йўналишдаги бир қатор муҳим халқаро ҳужжатларга мослаштириш зарурлигини билдирган.

Ана шундай долзарб муаммоларнинг ечим топиши ва одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ишларни халқаро талабларга тўлиқ мослаштириш мақсадида ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳаси 8 боб, 44 та моддадан иборат. Унда одам савдосининг жабрдийдаларини идентификация қилиш, уларни қайта йўналтириш, ҳимоя қилиш, уларга ёрдам бериш механизмлари тўлиқ очиб берилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Украина, Қирғизистон, Туркманистон, Грузия, Беларусь, Норвегия, Дания, Россия Федерацияси ва Қозоғистон давлатларининг тажрибаси ўрганилди. Бундан ташқари, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси тавсиялари инобатга олинди. Лойиҳа Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси таркибига кирувчи тегишли вазирликлар, идоралар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан келишилган.

Қонун лойиҳаси парламентнинг Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди. Айни пайтда иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳолига етказиш мақсадида лойиҳа regulation.gov.uz веб-порталига жойлаштирилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши одам савдоси жабрдийдалари бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, шу тариқа, халқаро майдонда давлатимиз нуфузини оширишга замин яратади. Одам савдосига қарши курашиш соҳасида давлат органларининг ташаббускорлигини оширади. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси бошчилигида ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлигини, мамлакатимизнинг қонунчилик базасини халқаро стандартларга мослаштирилишини таъминлайди. Қолаверса, одам савдосига қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида холис ва тўғри маълумотларни кенг жамоатчилик ҳамда халқаро ҳамжамиятга етказишга хизмат қилади.

**Беҳзод МАМАЖОНОВ,**
**подполковник.**
**Сахипжамал ДЖОЛДАСОВА,**
**майор, юридик фанлар номзоди, доцент.**

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## БЕШ ТАШАББУС АМАЛДА



Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг ижросини таъминлаш борасида Миллий гвардиянинг Наманган вилояти бўйича бошқармасида ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун мусиқа ва санъатни ўрганиш, компьютер саводхонлигини янада ошириш бўйича тўгараклар ташкил қилинди. Шу билан бирга, ҳарбий хизматчилар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида бошқарма кутубхонаси янги китоблар билан бойитилди.

**Аҳоли бандлигини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шу боис Миллий гвардиянинг Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси томонидан бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Қарши шаҳридаги 6 та маҳалла фуқаролар йиғинида ўрганиш ишлари олиб борилди. Тадбир доирасида ташкил қилинган меҳнат ярмаркасида 5 нафар фуқарога бўш иш ўринлари бўйича, 6 нафар фуқарога эса Бандликка кўмаклашиш маркази ҳузурида ташкил этилган касбга қайта тайёрлаш ўқув марказларига йўлланма берилди.**

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

– Мен бугунги ярмаркада ўз мутахассислигим бўйича йўлланмани қўлга киритдим, – дейди Чўлқувар маҳалласида яшовчи Моҳигул Тўрақулова. – Ишга жойлашганимдан сўнг барча билим ва кўникмаларимни она юртимиз ривожи йўлида сарф этаман.

Шунингдек, ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.




## ОНЛАЙН УЧРАШУВ





Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти Кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар ойлиги» доирасида «Тараққиёт ва ёшлар» номли китобнинг тақдимоти ҳамда туман Кенгашларининг фаоллари билан онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Ёшларнинг китоб мутолаа қилишга бўлган қизиқишини янада ошириш ҳамда она Ватанга бўлган дахлдорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида ташкил этилган ушбу учрашувда Миллий гвардиянинг Жиззах вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вакиллари, шунингдек, уюшмаган ёшлар ҳам фаол иштирок этишди.

Қизғин тарзда ўтган мазкур тадбир якунида эса келгусида қилиниши керак бўлган барча ишлар келишиб олинди.

## НАВБАТДАГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан Қуролли Кучларнинг мазкур вилоятда жойлашган бўлинмалари ҳарбий хизматчилари ўртасида «Ёш ҳарбий ижодкор» кўрик-танловининг дастлабки босқичи бўлиб ўтди.



Унда юрт ҳимояси йўлида астойдил бел боғлаган ҳарбий хизматчилар ўзларининг серқирра ижодий фаолияти бўйича ўзаро беллашдилар.

Қизғин ва муросасиз тарзда ўтган мазкур танловнинг якуний натижаларига кўра, кичик сержант З. Аминова ғолиб деб топилиб, навбатдаги босқичга йўлланма олди.

**Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси ходимларининг касбий тайёргарлиги ва маҳоратини ошириш йўлида бир қатор тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.**

## МАҚСАД – ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Жумладан, Миллий гвардия Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи ходимларининг жисмоний тайёргарлигини кучайтириш чоралари кўрилляпти. Хусусан, Миллий гвардия Хоразм вилояти бўйича бошқармасида хизмат олиб бораётган малакали мутахассис ва спорт усталари билан ҳамкорликда мунтазам равишда машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса ходимларнинг хизмат самарадорлигини янада оширишга қаратилган.





## ИЖОДКОРЛАР БОҒИГА ТАШРИФ

**Миллий гвардиянинг Фарғона вилояти бўйича бошқармасининг ҳарбий хизматчилари Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номидаги ижодкорлар боғига ташриф буюрди.**



Улар ушбу масканда миллий маънавиятимизнинг фидойиси Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ибратли ҳаёт йўли, бетакрор ижоди, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссаси акс этган кўргазмани мароқ билан томоша қилиб, ўзларининг маънавиятини янада оширдилар.

Шунингдек, бугунги кунда ижод қилаётган умидли шоир ва ёзувчиларнинг ҳам ижод намуналаридан баҳраманд бўлишди.

*Саҳифа материалларини оддий аскар Нафосат ЗАФАРОВА тайёрлади.*

Postda
На посту

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# БУХАРА – СТОЛИЦА ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ



**Бухара – один из древнейших городов Узбекистана. По данным археологов, она была основана в середине 1-го тысячелетия до нашей эры. В истории города периоды упадка сменялись периодами расцвета. Его многочисленные культурные пласты сохранили для потомков бесценную информацию, реликвии и легенды о сотнях праведников и мусульманских святых. В народе говорят: «Во всем мире свет нисходит с небес, и только в Бухаре он восходит от земли». Учитывая заслуги города в развитии и пропаганде идей мусульманства, Исламская организация по образованию, науке и культуре (ISESCO) объявила Бухару столицей исламской культуры в 2020 году.**

Принято считать, что во второй четверти 1-го тысячелетия до нашей эры на берегу древнего притока Зарафшана выросло несколько поселений, на месте которых и возникла Бухара. Самые ранние письменные источники, которыми располагают ученые, датируются II веком до нашей эры. Археологи нашли в старой части города развалины массивной оборонной стены, возведенной в V–IV веках до нашей эры. Но продолжить раскопки помешали грунтовые воды, залегающие на глубине 20 метров, поэтому в вопросе о возрасте священного города окончательная точка еще не поставлена.




В раннем Средневековье в Китайских летописях упоминаются разные названия (Ан, Анси, Бухо). В арабских – Нумижкат, Бумичкат (Новый курган), Ал-Мадина ассуфрийя (Город медников), Мадинат ат-тужжор (Город торговцев), Фохира (Почетный город). Существуют версии происхождения названия, основаного на санскритском слове «вихора» или тюркском «бухор» («молитвенный дом»).

Со времен основания город был одним из центров ремесла и торговли. По мнению историка Наршахи, здесь производили ткани высокого качества: «Ни в одном городе Хорасана (Бухара в тот период входила в этот регион) не умели ткать таких хороших материй». Их охотно носили высшие слои общества, а также экспортировали в другие страны.



В X–XII веках, по свидетельству историков, Бухара стала «обителью славы, Каабой владычества, местом собрания выдающихся людей эпохи», что позволило к уже существующим званиям города прибавить эпитет «Куббат ул-ислом» («Купол ислама»). В городе жили и творили известные всему миру: поэты и философы Рудаки, Дакики, Аль-Фараби, Омар Хайям, ученый-энциклопедист Ибн Сино, историки Наршахи, Балазури, Табари, Мискавейх, теолог Абу Хафс Кабир и другие. Бухара является малой родиной знаменитого хадисоведа и мыслителя Имама аль Бухари.

В XI веке в городе получило распространение религиозно-философское учение тасаввуф, ярким представителем которого был Абдулхалик Гиждувани (1103–1140). За особые заслуги ему был присвоен титул Хожаи Жахон (Ходжа исламского мира).

В XII–XIII века были построены архитектурные шедевры: минарет Калян (1127–1129 годы), мечети Магоки Аттори, Намазгох и другие сооружения.

Бухара восстановила былое величие в эпоху правления Амира Темура и Темуридов. По указу Сахибкирана были отремонтированы и восстановлены мечеть Намазгох, соборная мечеть Калян, возведена ханака на некрополе Хазрати Имама. Свой вклад в развитие города внес и Мирзо Улугбек. По его указу была отреставрирована центральная часть цитадели Арк, построено медресе, названное его именем. На створке ворот имеется надпись: «Стремление к знанию – обязанность каждого мусульманина и мусульманки».

С XIII века Бухара стала местом паломничества мусульман. А в 1318–1389 годах городу было присвоено высокое звание Бухорои Шариф (Благородная Бухара, Священная Бухара).

Во второй половине XIX века быстро развивались промышленность и рыночная инфраструктура, были созданы условия для свободной торговли и предпринимательской деятельности, открывались банки и представительства торговых домов, торговля связывала город с мировыми деловыми центрами. Светское развитие не помешало сохранить городу статус религиозного центра региона.

С обретением независимости начался новый этап жизни древнего города. По инициативе Узбекистана, в 1993 году историческая часть Бухары была включена в список Всемирного наследия ЮНЕСКО. В 1997 году под эгидой ЮНЕСКО отмечалась 2 500-летняя годовщина со дня ее основания.

Современная Бухара насчитывает более 140 архитектурных памятников. Согласно постановлению Президента нашей страны «О мерах по ускоренному развитию туристического потенциала города Бухары и Бухарской области на 2017–2019 годы» от 19 мая 2017 года реализованы масштабные задачи по благоустройству исторической части, сохранению древнего облика. Тысячи туристов съезжаются сюда, чтобы своими глазами увидеть Бухорои Шариф, среди них паломники, которые приезжают напитаться благодати вечного города, воздать почести великим сынам Бухары.

**Абдикамил НАРБЕКОВ,**
**подполковник.**

МНЕНИЕ СПЕЦИАЛИСТОВ

# Как оградить детей от преступности



**Обычно летом у подростков появляется много свободного времени, которое они не всегда используют во благо. Тем более что вопрос с открытием загородных лагерей пока остается нерешенным. В этот период родителям нужно быть особенно внимательными к своим детям.**

Главная задача, стоящая перед современным обществом, – поиск возможностей для снижения темпов роста детской преступности и повышения эффективности ее профилактики.

Согласно данным отдела профилактики правонарушений УВД Самаркандской области, за пять месяцев текущего года уровень преступности среди молодежи снизился на три пункта: если в минувшем году несовершеннолетние совершили 19 преступлений, то в этом году – 16. Основной вид преступлений – кражи.

Сотрудники отдела профилактики правонарушений УВД Самаркандской области постоянно проводят рейды, в ходе которых выявляют безнадзорных детей.

– Основная проблема в том, что несовершеннолетние не понимают значения и последствий своих поступков, поэтому обязанность, в первую очередь родителей и педагогов, – доступно им это объяснить, – говорит заместитель начальника отдела профилактики правонарушений УВД Самаркандской области майор Фозил Сатторов. – К сожалению, родители не умеют общаться со своими детьми, не дают им должного воспитания. Наблюдая те или иные ситуации, мы часто приходим к выводу, что современные родители сами нуждаются в помощи.

Более 900 подростков за прошедшие пять месяцев были доставлены в отделы внутренних дел области, 855 из них – школьники, 42 – учащиеся колледжей. Изучив ситуацию каждого, 237 подростков направили в Центр оказания социально-правовой помощи несовершеннолетним.

Сегодня в области на профучете состоят более 300 молодых людей, в основном школьного возраста. Основная их часть прогуливала занятия в школе. Сотрудники отдела профилактики правонарушений делают все возможное, чтобы оступившийся подросток продолжил учебу. 167 детей занялись спортом и начали посещать кружки по интересам. 22 молодым людям помогли открыть небольшой собственный бизнес.

По мнению инспектора профилактики старшего лейтенанта Азиза Раббанакулова, чтобы решить проблему противоправного поведения несовершеннолетних, нужно занять их какой-нибудь интересной деятельностью.

– Это кружки, увлечения, помощь взрослым членам семьи, трудотерапия, работа в огороде, – перечисляет инспектор А. Раббанакулов. – Мы, взрослые, чаще всего находимся на работе, мало у кого есть возможность контролировать ребенка. Но контроль, тем не менее, необходим. Время от времени надо проверять, где и с кем он находится, что делает, не обманывает ли, говоря, что пошел в гости к другу, а сам в это время слоняется по городу. Ребенок должен знать, что родителям не все равно, чем он занимается. Таким образом мы постепенно приучим ребенка к дисциплине и порядку. Очень важно направить его на верный путь. Летом контроль нужно усилить. Родители должны быть в курсе, чем занимаются дети, не отпускать их далеко одних.

По словам сотрудников, в работе с трудными детьми приходится сталкиваться с не менее проблематичными родителями, не уделяющими должного внимания воспитанию. На сегодняшний день были составлены административные протоколы в отношении 172 нерадивых родителей.

– Часто мы имеем дело с неокрепшей, порой поломанной детской психикой, – продолжает разговор инспектор профилактики. – Метод воздействия на одного ребенка подчас совершенно неприемлем для другого. Инспектору по делам несовершеннолетних необходимо обладать достаточной гибкостью и мудростью, чтобы уметь видеть не то, что ему показывают, а то, что кроется за словами и поступками детей на самом деле.

**Замира БАЛТАЕВА, корреспондент «На посту».**

COVID -19

# СИТУАЦИЯ ПОД ПОЛНЫМ КОНТРОЛЕМ



**Несмотря на то, что в борьбе с коронавирусной инфекцией по всему миру применяются самые кардинальные меры, этот аспект остается на сегодняшний день одним из самых актуальных. Есть существенные успехи в данном направлении. Поэтапно отменяются ограничительные меры, но то, как скоро удастся победить коронавирус окончательно, в первую очередь зависит от нас самих.**

О том, насколько успешно удается противостоять распространению COVID-19 среди сотрудников органов внутренних дел, рассказывает заместитель начальника Медуправления МВД Республики Узбекистан полковник Шахло Абдуллажанова.

– В первую очередь хотелось бы отметить, что в рамках постановления Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по предупреждению широкого распространения коронавирусной инфекции в Республике Узбекистан» во всех медотделах системы МВД республики на местах созданы специальные рабочие группы, которые проводят широкомасштабные профилактические мероприятия по противодействию распространения инфекции. Члены данных групп выезжают на места службы сотрудников органов внутренних дел и осуществляют контроль над соблюдением установленных правил ношения противоэпидемической одежды, медицинских масок, перчаток, комбинезонов. Проводятся санитарно-эпидемиологические мероприятия по дезинфекции рабочих мест и объектов, где блюстители правопорядка осуществляют свою деятельность. Каждые 10–15 дней проводится тестирование, позволяющее выявить наличие вируса в крови.

Непосредственно Медуправлением МВД поставляются медицинские маски, перчатки, санитайзеры во все медотделы областных УВД, ГУВД г. Ташкента, МВД Республики Каракалпакстан, учебные заведения, функционирующие в структуре министерства. При входе в данные объекты организованы противоэпидемические посты, на которых ежедневно осуществляется термометрия при помощи специальных пирометров и обработка рук дезинфицирующими растворами.

В рамках 14-дневных противоэпидемических карантинных мероприятий на базе центральных лечебно-профилактических учреждений, таких как санаторий «Узбекистан», госпиталь МВД (г. Наманган), Реабилитационный центр (г. Самарканд), созданы карантинные объекты. В них размещен личный состав сотрудников органов внутренних дел, по специфике работы тесно контактирующий с потенциальными носителями коронавируса. Хочу отметить, что на сегодняшний день ситуация с COVID-19 находится под нашим пристальным контролем. Мы приложим все усилия для того, чтобы стабилизировать обстановку и в самые короткие сроки добиться самых наилучших результатов в этом направлении.

**Георгий ПЕТРОСЯН, корреспондент «На посту».**

ИЧКИ ТУРИЗМ

# КЎҲНА ЧУСТ – ҲУНАРМАНДЛАР МАСКАНИ




**Мамлакатимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири ҳисобланган Наманган вилоятининг Чуст тумани ҳақида нималарни биласиз? Мабодо, «Чуст» сўзи нотаниш туюлса, марҳамат, билиб олишингиз мумкин. «Чуст» дегани – тез, ўткир, текис, равон, силлиқ маъноларини англатади.**




Чуст шаҳри Олмос-Варзик тоғолди текисликларидаги Чустсой атрофида, денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда, вилоят маркази Наманган 40 километр узоқликда жойлашган. Қадимда Буюк ипак йўли ўтган Чустда водийнинг энг катта бозорларидан бири бўлган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, ўша даврларда Чуст доимо гавжум бўлиб турадиган карвонсаройлари, ўзига хос ўрда ва тошкўрғонлари билан ажралиб турган.

Ҳозирги кунда Тошкент–Ўш катта автомобиль йўли ўтадиган Чуст туманининг маркази ва атрофидаги қишлоқларда турли даврлар (антик давр, бронза даври, ўрта асрлар)га оид маълумотлар олиш мумкин бўлган археологик объектлар ва меъморий ёдгорликлар мавжуд. Салкам тўрт минг йиллик тарихга эга машҳур Чуст пичоғи ва икки мингйилликни ўзида намоён этадиган Чуст дўпписи, тикувчилик, тўқувчилик, кўнчилик, косиблик, дегрезлик ва бошқа қадимий ҳунармандчилик турлари мавжуд бўлган бу шаҳарнинг тижорат оламида ҳам алоҳида ўрни бор. Қадимдан сақланиб қолган турли ҳунармандлар маҳаллалари Бофанда (тўқувчи), Дўзанда (тикувчи), Чармгарон (тери пиширувчи), Дегрези (қозон қуювчилар) ва Сабзазор (сабзавотлар етиштирувчи) каби маҳаллалар ва кўчалар шулар жумласидандир.

«Кўктўнли ота» зиёратгоҳи ва «Ворисбой» масжидида Чуст туманининг диққатга сазовор масканларидан ҳисобланади.

Маълумки, республикамизнинг жуда кўп жойларида «Кўктўнли ота» номли зиёрат манзиллари мавжуд бўлиб, шулардан бири Чуст шаҳридадир. «Азизлар юрти» хайрия жамоат жамғармаси раиси Собирхон Мўминовнинг айтишича, Кўктўнли ота Жиззах томонларда туғилган, деган тахмин юради.

– Жиззах шаҳридан 55 километр, Зомин шаҳарчасидан 5 километрлар чамаси узоқликда, Зоминдан Бахмалга борадиган тоғ йўлининг шундай ёқасида «Кўктўнли ота» зиёратгоҳи жойлашган. Ёдгорлик тошига бу ерда дафн этилган шахс ҳақида «Вазир Соҳиб Забонбой, 1209 йил вафот қилган», деб ўйиб ёзилган. Ривоятларга кўра, Чустда дафн этилган Кўктўнли ота Вазир Соҳиб Забонбойнинг ўғиллари Муҳаммад Забонбой бўлиб, у киши 109 йил (баъзи тахминларга кўра, 120 йил) умр кўриб, 1267 йилда вафот этган.

Кўктўнли ота (Муҳаммад Забонбой)ни XI–XII асрларда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатнинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийнинг шогирдларидан бири, дейишади. Тарихий маълумотларга кўра, Хожа Аҳмад Яссавий 1041 йилда дунёга келган ва 1167 йилда 126 ёшида вафот этган. Агар Кўктўнли отанинг 1147 йили туғилганини инобатга олсак, у 20 ёш бўлганида Аҳмад Яссавий оламдан ўтган.

Демак, тахминлар ва ривоятлар бир-бирига мос келяпти. Яъни, Кўктўнли ота битта одам эмас, у кишининг фарзандлари ҳам бўлиб, «Кўктўнли» нисбаси отадан болага ўтиб келган. Хўжаобод маҳалласининг бойларидан бири бўлган Ворисбой ўзини қийнаб келган кўкйўтал касалидан Кўктўнли отага бўлган ихлоси боис тузалгани учун, унинг қабри ёнида 1888 йилда масжид қурдирган.

**Салкам тўрт минг йиллик тарихга эга машҳур Чуст пичоғи ва икки мингйилликни ўзида намоён этадиган Чуст дўпписи, тикувчилик, тўқувчилик, кўнчилик, косиблик, дегрезлик ва бошқа қадимий ҳунармандчилик турлари мавжуд бўлган бу шаҳарнинг тижорат оламида ҳам алоҳида ўрни бор.**





Шўро даврида масжид ҳовлисининг асосий қисми сил касалликлари диспансери ва поликлиника сифатида фойдаланиб келинган. Ҳозирги кунда Ҳафизуллоҳ ҳожи ота Маҳкамов ташаббуси ва раҳбарлигида ҳашар йўли билан маҳалла аҳолиси томонидан бу зиёратгоҳ қайта таъмирланди.

**Азиза ЖОНИЕВА,**
**«На посту» мухбири.**





*Набихон Нуриллахўжа ўғли Чустий (1904–1983) мумтоз адабиётимиз билан янги давр адабиёти ўртасида кўприк яратган ва арузнавислик анъаналарини ривожлантирган шоирлардан биридир. Чустий жанр ва услуб жиҳатидан бой ҳамда рангба-ранг йигирмага яқин шеърий тўплам нашр эттирган. У қўшиқчи шоир сифатида ҳам машҳур эди. Унинг ўнлаб ғазаллари граммпластинкаларга муҳрланиб қолган. Шоирнинг «Ёримга савол», «Ноз этма», «Муҳтож бўлмагай» каби кўплаб қўшиқлари ҳозирги кунда ҳам хонандаларимиз ижросида янграб турибди. Чустий, шунингдек, драматург ва таржимон бўлган, бошқа муаллифлар билан бирга бир неча асарларни ўзбек тилига ўгирган.*





МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# БУХОРО – ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ



**Ислом маданияти пойтахтларини эълон қилиш дастури Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2001 йилда маъқулланган бўлиб, ҳар йили уч исломий минтақа — араб олами, Африка ва Осиёда учта пойтахт танланишини назарда тутади. 2007 йилда Тошкент уч Ислом маданияти пойтахтларидан бири сифатида эълон қилинган эди. Ислом ҳамкорлиги ташкилоти (ИҲТ)га аъзо давлатлар маданият вазирларининг 2020 йилда ўтказилган IX анжуманида Ислом маданияти пойтахти сифатида Бухоро (Ўзбекистон), Қоҳира (Миср) ва Бамако (Мали) шаҳарлари тасдиқланди.**

Дастур доирасида жорий йилнинг 28 май куни «Бухоронинг Ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва ундаги ўрни» мавзуида ташкил этилган халқаро илмий-амалий онлайн видеоконференцияда ISESCO Бош директори Салим Муҳаммад ал-Малик Ўрта асрларда илм ва маърифат маркази бўлган, айниқса, ислом дини, ислом илмлари ривож топган Бухорони ISESCO ҳақли равишда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилганига алоҳида эътибор қаратди. Халқаро ташкилот раҳбари Самарқанддаги Имом Бухорий Халқаро илмий тадқиқот марказида ISESCOнинг Қўлёзмалар бўйича минтақавий марказини, ISESCO раҳнамолигида Марокаш қироллигининг Фес шаҳридаги Сайид Муҳаммад бин Абдулло университетида Имом ал-Бухорий Академик тадқиқотлар кафедрасини ташкил этиш, Бухоро ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги 50 та тарихий ёдгорлик ҳамда қадамжоларни Ислом олами мероси рўйхатига киритиш, юртимиздан етишиб чиққан алломалар ва уларнинг ислом цивилизацияга қўшган ҳиссаси бўйича араб, ўзбек ва рус тилларида китоб нашр этиш, Бухоро шаҳридаги энг яхши маданий лойиҳа учун ISESCO мукофотини таъсис этиш бўйича таклифлар киритди.

Дарҳақиқат, бугун эъзоз билан тилга олинаётган Бухоро буюк аждодларга бешик бўлган, бутун ислом оламида «Қуббатул ислом» («Ислом динининг гумбази»), «Бухорои шариф» («Шарофатли шаҳар») номлари билан шуҳрат топган замин.

Бухоро ва ислом маданияти ҳақида гап кетганида, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдан бошланган «олтин силсила»нинг давомчилари сифатида эътироф этилган етти пир — Абдухолиқ Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд ислом динининг гумбази саналган Бухоро заминида камол топганини тилга олиш жоиз.

Қолаверса, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомъе ас-Саҳиҳ» асари мана ўн икки асрдирки, аҳамиятига кўра, муқаддас Қуръондан кейин ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба ҳисобланади. Имом ал-Бухорийдан авлодларга йигирмадан ортиқ бой ва қимматли илмий мерос қолган. Буюк алломанинг энг муҳим асари, шубҳасиз, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»дир. Бу асар «Саҳиҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам машҳур. Бу қимматли асарнинг аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб ёзган.

Яна бир эътиборли жиҳат, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» фақат ислом таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Асарда меҳр-муҳаббат, саховат, очиқ кўнгиллик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалолликка даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуаси мужассам. Унда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, инсон нимадан ўзини тийиши лозимлиги ҳақида ҳозирги жамиятимиз, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панд-насиҳат ва ўгитлар акс эттирилган. Бу чин инсоний фазилатлар ислом динида ҳам улуғланади ва башариятни комилликка элтувчи омил сифатида тилга олинади.

Шу маънода ислом дини илмни тарғиб этувчи, маърифатга чорловчи муқаддас диндир. Бухорий етти пирнинг бири бўлган Абдухолиқ Ғиждувоний ўз рисолаларида тасаввуфий зоҳидлик билан шуғулланган диндор, эътиқодли мусулмон нуқтаи назаридан келиб чиқиб, шариат аҳкомлари ва пайғамбар алайҳиссалом суннатларини ҳамда тасаввуфдаги янгиликларни илдиз олдириб, мустаҳкамлашни тарғиб қилди. Зеро, халқ оммаси – оддий раият билан яқинлашиш ва уларнинг диний эътиқодига хизмат қилиш хожагон тариқатининг асоси эди.



Ғиждувоний ўз таълимотининг саккизта асосий қонун – йўл-йўриқларини ишлаб чиқди. Уни тушида кўриб, тасаввуфдан ғойибона руҳий таълим олган ва Ғиждувонийни ўзига устоз деб билган Баҳоуддин Нақшбанд бу йўл-йўриқларни тўлалигича қабул қилди ва уларга яна учта қўшиб, жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган нақшбандия тариқатига асос солди.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти асосида «Дил – ба ёру, даст – ба кор» («Кўнгил Аллоҳда бўлсин, қўлинг эса ишда»), деган шиор ётади. Тасаввуфдаги ҳар қандай тариқат каби, хожагон-нақшбандия тариқати ҳам ўз ғоялари, тартиб-қоидалари, одоблари ва қатъиятларини шакллантиришда жуда қадим ришталардан сув ичган.

Ўрта аср ёзма манбаларида мусулмон оламидаги дастлабки ўқув даргоҳлари – айнан мадрасалар бизнинг диёримизда ташкил этилгани ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Ўн саккизинчи асрга келиб ва Марказий Осиёни чор Россияси босиб олганидан кейин ҳам исломий мактаб ва мадрасалар маҳаллий аҳоли учун асосий таълим даргоҳи бўлиб қолди. 1821 йили Петербургда чиққан бир журналда Бухорода 200 минг аҳолига 400 та масжид ва 30 та мадраса тўғри келгани қайд этилгани ҳам зоҳирий ва ботиний илмларни олишга бўлган эътиборни далиллайди.

Бугунги кунда юртимизда миллий қадриятларимизни, уларнинг асоси бўлган диний қадриятларимизни тиклаш ва янада ривожлантириш, буюк аждодларимиз қолдирган меросни асраб-авайлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюцияси қабул қилинди.

Сўнгги йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Бухоро вилоятида ҳам диний ва дунёвий соҳаларда салмоқлиислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Бухорода Мир Араб олий мадрасасининг таъсис этилиши, тасаввуф мактаби фаолиятининг йўлга қўйилиши аждодларга муносиб авлодларнинг етишиб чиқишига замин яратади.

Ҳозирда Бухорода 140 дан ортиқ йирик тарихий меъморий ёдгорликлар: Бухоро арки, Минораи калон, Масжиди калон, Мир Араб мадрасаси, Чор Минор каби кўплаб тарихий обидалар сақланган. Зиёрат туризми имкониятларини ошириш мақсадида тариқатнинг оламга машҳур етти пири зиёратгоҳлари қайта тикланди ва бир йўналиш орқали зиёрат қилиш имконияти яратилди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, кўҳна тарих, бугун ва келажакни уйлаб амалга оширилаётган бу эзгу ишлар ислом дини билан боғлиқ бой ва ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш баробарида, Бухорони ислом маданиятининг гуркираган шаҳри сифатида тўла намоён этади.



**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА.**

ТРЕТИЙ СЕКТОР

# ПРОЯВЛЕНИЕ ЛУЧШИХ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ КАЧЕСТВ




*«Уверен, что общенародное движение «Доброта и поддержка» станет ярким проявлением мощи нашего государства и народа».*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

На территории третьего сектора по социально-экономическому развитию Куйичирчикского района Ташкентской области проводится системная работа по повышению качества жизни населения, оказанию адресной помощи малообеспеченным семьям.

В третьем секторе имеется восемь махаллинских сходов граждан, где проживает более 21,5 тысячи человек. Членами рабочей группы совместно с представителями хокимията, актива махаллей изучаются проблемы семей, нуждающихся в социальной помощи, сформирован их список. Данный список на период карантина включает в себя порядка 230 семей, а также одиноких лиц преклонного возраста и тех, кто в связи с пандемией потерял постоянный источник доходов. Они закреплены за 39 предприятиями, бескорыстными предпринимателями, искренне поддерживающими благое дело, руководствующихся принципом «Награда за добро – только добро». Людям оказывается практическое содействие, доставляются продовольственные товары первой необходимости. По данным штаба третьего сектора, на сегодняшний день среди представителей старшего поколения, многодетных семей распределены продовольственные товары на общую сумму свыше 162 миллионов сумов.

– Мы как многодетная семья получили помощь в виде большого набора продуктов первой необходимости, что оказалось очень кстати, – говорит житель МСГ «Ойдинобод» Собиржон Умаров. – Признателен за оказываемую поддержку, за то, что не оставляют без внимания.

Адресная помощь в виде продуктов первой необходимости и передачи семьям крупнорогатого скота оказана также семьям, проживающим в МСГ «Чакмок», «Хужа», «Ватан», «Уччинор».

– В нашей семье трое детей. Мой супруг – инвалид, однако, несмотря на это, он до последнего времени работал, – делится жительница МСГ «Чакмок» Кундуз Чутбоева. – К сожалению, сейчас он без работы. Спасибо тем, кто с заботой и уважением протянул нам руку помощи. Пусть добро воздастся им сторицей.

В центре внимания рабочей группы еще один аспект – обеспечение занятости граждан, их участия в созидательной работе во имя благополучия близких и родных. По согласованию с руководителями 96 хозяйствующих субъектов и предпринимателей, осуществляющих деятельность на территории сектора, в фермерские хозяйства, производственные предприятия, кластеры, предприятия сферы услуг, в строительные организации на постоянной основе трудоустроены представители малообеспеченных семей и 123 временно безработных гражданина.

В свою очередь, в реализации бизнес-проектов поддержка оказывается и предпринимателям. Руководитель третьего сектора начальник ОВД Куйичирчикского района подполковник Рустам Абдусаматов регулярно встречается с ними, заслушивает предложения, содействует в решении возникающих проблем. Так, по согласованию с соответствующими учреждениями необходимая помощь по доставке товаров и продукции, перевозке сотрудников на работу и обратно с соблюдением санитарно-эпидемиологических правил оказано предприятиям «Чинор-эфем», «Рус-Бек», Best Dry Fruit и др.

Работа в третьем секторе не прекращается ни на день, оказание адресной помощи продолжается.

**Охунжон МУСТАФОЕВ,**
**специалист пресс-службы ГУВД Ташкентской области, рядовой.**
**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**




КРИМИНАЛИСТИКА

# РАСКРЫТ ПОДЛОГ ДОКУМЕНТОВ



**Сегодня в стране уделяется большое внимание борьбе с преступностью и профилактике правонарушений, благодаря чему значительно улучшается криминогенная обстановка. Свой вклад в это дело вносят и сотрудники экспертно-криминалистических подразделений ОВД.**

В частности, в марте текущего года Кашкадарьинская областная прокуратура завела уголовное дело в отношении работников Шерабадского филиала АК «Народный банк» – должностные лица районного филиала нанесли ущерб государству в размере 12 миллиардов сумов. Документы с поддельными подписями были направлены в экспертно-криминалистический отдел для проведения исследований. Эксперты – начальник отделения ЭКО УВД Кашкадарьинской области капитан Б. Ибодуллаев и эксперт ЭКО УКД ОВД города Карши лейтенант Э. Бозоров доказали, что подписи являлись поддельными, подтвердив виновность подозреваемых.

В данном подразделении работают опытные сотрудники. Эффективность их деятельности отражается в цифрах: за истекшие пять месяцев текущего года в составе оперативно-следственной группы эксперты более чем 700 раз выезжали на места происшествий, собрали свыше тысячи вещественных доказательств, провели 404 иселдования, в 319 случаях выдали положительное заключение, способствуя тем самым раскрытию преступлений.

– Наши эксперты проводят исследования в области трасологии, дактилоскопии, баллистики, почерковедения, холодного оружия, химической экспертизы, – говорит начальник ЭКО УВД Кашкадарьинской области майор Ж. Шерматов. – К примеру, за пять месяцев текущего года только почерковедческих исследований было проведено 129. Наши специалисты дают заключения не только для органов внутренних дел, но и других правоохранительных, а также следственных органов.

Для безупречного выполнения поставленных задач криминалист должен постоянно работать над собой, повышать знания и квалификацию. А условия для эффективной работы постоянно улучшаются, благодаря усиленному вниманию работе подразделения со стороны руководства министерства и управления. Особое внимание уделяется укреплению материально-технической базы, обеспечению необходимой техникой, в том числе автомобилями.

Начинающие специалисты обогащают свои знания и повышают квалификацию в ЭКЦ МВД Республики Узбекистан. Кроме того, старшие эксперты ЭКО УВД Кашкадарьинской области – майоры Ш. Мухаммадиев, З. Бердиев, начальник отделения ЭКО капитан Б. Ибодуллаев обучают молодых сотрудников секретам профессии, делятся с ними знаниями и мастерством.

**Содик РАХИМОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Кашкадарьинская область.*




СЛОВА БЛАГОДАРНОСТИ

# Спасибо за хорошую службу

**В последнее время изменилось отношение граждан нашей страны к сотрудникам органов внутренних дел. Обычные люди обращаются со словами благодарности в адрес стражей порядка, оказавших своевременную помощь и поддержку. Много таких отзывов можно найти на страничках соцсетей, в частности, Facebook ГУВД г. Ташкента.**



На днях на имя руководства ГУВД г. Ташкента поступило благодарственное письмо от главного редактора Агентства DIVIDENDS Тиллаходжи Алимухамедова, который выражал свою признательность сотрудникам патрульно-постовой службы, спасшим жизнь и здоровье его брата, Тоира Алимухамедова.

Дело было так. 10 мая 2020 года, около 22.30 часов ночи, Т. Алимухамедов шел домой по территории махалли Окибат, потерял сознание и упал. Одна из жительниц близлежащего дома подошла к нему, заметила, что дыхание у него затрудненное, и стала звонить в «скорую помощь». Не дозвонившись, она набрала номер телефона дежурной части ГУВД и вкратце объяснила суть ситуации. Дежурные незамедлительно связались с одним из экипажей ППС и дали указание оказать помощь. На место происшествия прибыл экипаж бригады ППС 1-го отряда 1-го батальона в составе рядовых Шерзода Тохирова и Арслана Хайдарова.

При первичном осмотре потерявшего сознание мужчины рядовой Тохиров, заметил, что у пострадавшего запал язык. Понимая, что он может задохнуться, блюститель правопорядка незамедлительно оказал первую помощь, благодаря чему мужчина остался жив. Сотрудники ППС, оценив ситуацию, не дожидаясь кареты «скорой помощи», уложили пострадавшего в служебную машину и доставили в ближайшую больницу. Как выяснилось позже, мужчине несказанно повезло. Если бы сотрудники ППС не сработали так оперативно и профессионально, могло бы случиться непоправимое – из-за гипоксии (нехватки кислорода) могло наступить необратимое поражение мозга.

Это всего лишь одно из множества писем со словами благодарности, ежедневно поступающих в адрес сотрудников ГУВД столицы, которые в период карантина работают в усиленном режиме и оказывают помощь всем нуждающимся.

Слова признательности сотрудникам органов внутренних дел можно прочитать и в постах, которые выкладывают в различных группах соцсети Facebook. Вот несколько примеров. Жительница Юнусабадского района Азиза Адылова-Тохтаева 23 апреля поделилась своей благодарностью в группе «Потребитель.уз». Утром того дня она выглянула в окно и увидела, что мужчина преклонного возраста никак не может поймать машину. Девушке стало жалко пожилого человека. Она попыталась вызвать такси, но все попытки были напрасны. Тогда девушка обратилась за помощью на номер «102». Выслушав просьбу, ей ответили, что перезвонят. Действительно, через пару минут ей перезвонил инспектор профилактики махалли Шахристан, которого звали Сардор, чтобы уточнить, где именно находится мужчина. Уточнив локацию, тот самый инспектор приехал и помог пожилому человеку поймать такси. Оказалось, что 70-летний дедушка вышел из дома, чтобы купить лекарства, но не смог уехать обратно.

Шавкат Каримов в группе «Портал молодежи» благодарил сотрудников ДПС и ППС, которые предупреждали жителей столицы о том, чтобы они отогнали свои автомобили в безопасное место, так как по прогнозу был обещан сильный порывистый ветер. Похожий пост написал Малик Ходжаев в группе «Потребитель.уз», в котором выразил признательность сотрудникам УКД ОВД и хокимията Чиланзарского района за вовремя сделанное предупреждение.

25 апреля в группе ГУВД «Диалог с населением» жительница Ташкента Мария Бекетова поблагодарила двух сотрудников 2-го батальона 2-го отряда бригады ППС и Национальной гвардии за оказание помощи женщине. В той же группе Санобар Ташпулатова написала о сотруднике ДПС, который 11 мая на перекрестке, рядом с Ботаническим садом, помог устранить водителю «Матиза» имеющуюся неисправность. Она стала очевидцем того, как из-за неисправного светофора на перекрестке образовался затор, и одна из машин вдруг задымилась. Оперативно прибывший на место наряд ДПС быстро устранил неполадки.

Много положительных отзывов поступает в адрес службы миграции и оформления гражданства ГУВД г. Ташкента. Азиз Муитов, к примеру, благодарил сотрудников отдела миграции и оформления гражданства УКД ОВД Учтепинского района за профессиональный и оперативный подход к своим обязанностям. Он пояснил, что после долгих лет ожидания наконец получил гражданство Республики Узбекистан. А Зарина Габдикеева на страничке в Facebook Toshkentshahar IIBB/ГУВД г. Ташкента благодарила работников отдела миграции и оформления гражданства УКД ОВД Чиланзарского района за то, что помогли быстро и оперативно решить вопрос с пропиской. Она отметила, что сотрудники внимательные, обходительные, вежливые.

Примеров, когда жители и гости столицы высоко оценивают деятельность сотрудников ГУВД г. Ташкента, много. Главное – не снижать планку.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

21:15 0,5 КБ/с 37
facebook
**Азиза Адылова-Тохтаева ▸ Потребитель.Уз**
4 мин.

Пост благодарности. Время 10:00, 23.04.2020
Из окна увидела старичка с палочкой еле передвигавшегося вдоль дороги.. пытался остановить машину, никто ему не останавливал, все отворачивалась ( кстати, он был в маске) сижу нервничаю, не могу отойти от окна, боюсь упустить его из виду. Он дошёл до аптеки, я обрадовалась,подумала там помогут.. может скорую вызовут или патрульную машину. Но нет, он вышел оттуда и еле как сел на скамейку. ( время 11 ) Я заказала яндекс ( знаю, не имеют права на перевозку, но попытка не пытка) объяснила ситуацию, водитель отказался. Дедуля опять кое как добрался до дороги, поднимает свою палочку но ни один водитель даже не притормозил мимо него приехала служба доставки с огромным номером телефона, ( ну все думаю, вот и выход из ситуации, как раз номер указан! сейчас его заберут! ) я тут же позвонила и опять отказ что делать? Позвонила в 102, в третий раз описываю ситуацию, мне сказали, что перезвонят.. через пару минут перезвонили и в грубой форме меня отчитали, что я сижу дома, мне очень скучно и нечем заняться. Их беспокоить можно только по крайней необходимости. Теперь якобы ко мне приедут домой составлять протокол. Ругаться и объясняться у меня времени не было, время



37 6 комментариев

21:15 0,3 КБ/с 37
необходимости. Теперь якобы ко мне приедут домой составлять протокол. Ругаться и объясняться у меня времени не было, время уже 11:30 Но через минуту мне перезвонил участковый махалли Шахристан, представился как САРДОР и попросил объяснить где именно дедуля. Они сразу же приехали, перевели его через дорогу и посадили на такси. Ему 70 лет, оказывается он вышел в магазин или в аптеку и не мог добраться обратно домой. Так же, участковый пообещал, что поможет ему с продуктами питания. Спасибо ему за неравнодушие!

**Аделиночка Эсперова**
15 мин.

Хочу поблагодарить сотрудников ГУВД которые мне оказали помощь откликнулись на мою просьбу и сильно помогли огромное здоровье хочу пожелать отдельно сотруднику Али который меня отвёз в окушерство геникологии чтобы сделать УЗИ и сотруднице Мадине которая помогла также активно связала меня с сотрудником Али дай бог вам и вашей семье здоровье. И спасибо всем за помощь! Также сотрудник ГУВД мне оплатил полностью УЗИ огромное спасибо ещё раз! Привез меня также с комфортом)!







**Анастасия Пименова-Ковалёва** рекомендует **Toshkent shahar IIBB / ГУВД города Ташкента.**
7 ч.

Сегодня я обратилась в 4-ый отдел к паспортному инспектору, хочу выразить благодарность за очень вежливое отношение, за профессионализм, за доброжелательность и конечно за соблюдение всех санитарных норм.



**Взято из социальных сетей.**

Postda
На посту

ТАШРИФ

**Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри бу йил қутлуғ 80 ёшни нишонлайди. Ушбу улуғ даргоҳда ўзига хос ижролари ила томошабин қалбидан жой олган актёрлар бисёр. Ана шундай эл назарига тушган санъаткорлардан бири Турғун Бекназаров билан суҳбатимиз унинг санъат оламига кириб келиши, устозларнинг қимматли ўгитлари, саҳна ҳаётининг машаққатлари ва қувончлари ҳақида кечди.**



*Турғун Бекназаров 1955 йил 6 июнда Қашқадарё вилоятида таваллуд топган. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тамомлаган. 1977 йилдан буён Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актёри.*

*1997 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони, 2012 йили «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган. 2017 йилда Бишкекда ўтказилган АРТ-ОРДО халқаро театр фестивалида «Дилдаги доғ» спектаклидаги Раҳим ота роли учун «Энг яхши эркак» номинацияси бўйича эътироф этилган.*

*У юздан ортиқ спектаклларда, ўнлаб фильмларда ва сериалларда бир-бирини такрорламас қаҳрамонларни юксак маҳорат билан ижро этиб, мухлислар эътиборини қозониб келмоқда.*

*Турғун Бекназаров яқинда 65 ёшни қаршилади. Севимли санъаткоримизни таҳририятимиз жамоаси ҳамда кўп минг сонли муштарийлар номидан муборакбод этамиз.*

# «ҲАМЗА УМАРОВДАН «ТАРСАКИ САБОҚ» ОЛГАНМАН»

**– Инсон ортига назар ташлаганда, ҳаёт сўқмоқларида босиб ўтилган ҳар бир қадам кўз олдида гавдаланади. Айниқса, болаликдаги беғубор ва покиза туйғуларга йўғрилган орзулар рўёбидан дилда ёқимли ҳислар туямиз...**

– Болалигимни санъатга бўлган қизиқишим ортидаги иккиланиш, бироқ муҳим қарорни қабул қилишда собит турганим билан хотирлайман. Отам уста дурадгор бўлган. Бизнинг дурадгор, агроном, қурувчи бўлишимизни хоҳлаган отамнинг қаттиқўллигини, касб танлаш борасидаги фикрларини билсам-да, улардан рубоб олиб беришини сўраганман. Ўшанда бешинчи синфда ўқир эдим. Отам аввалига унамади, кейин «Майли, ўзинг учун ўрган, лекин артист бўлишни хаёлингга ҳам келтирма», дея рубоб олиб берди.

Директоримиз Нафиса Нурова биринчи қўнғироқда «Мана, таътилда ҳамманг кўча чангитиб юрдиларинг, Турғун Бекназаров эса рубоб чалишни ўрганиб келди. Қани, марҳамат, Турғунжон, айт ашулангни», деб қолди. Биринчи марта саҳнага чиқишим бўлса-да, ўзимни йўқотмай, рубобда «Ишқ дафтаримни мен соз этарман, ёрга етар кун борму, ёронлар?», дея қўшиқ куйлаганимни ҳамон завқ билан хотирлайман.



Мактабни тамомлаб, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига топширдим. Вақт ўтиб, уйдагилар хабар олишга келганида, мен институтга имтиҳонларни топшириб, ўқишга кириб бўлгандим.

**– Етук инсонлар ҳақда гап кетганда, беихтиёр «устоз кўрган» деган ибора тилга кўчади. Буни устозларнинг йўл-йўриқ, маслаҳатлари таъсирида шаклланган тарбиянинг ижобий томонларига менгзашимиз мумкин. Баъзи ўринларда берилган танбеҳлардан тўғри хулоса чиқариш ҳам бу таърифни тўлдиради. Сиз бу борада қандай фикрдасиз?**

– Менинг омадим, аввало, институтда собиқ СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроевдек етук санъаткор қўлида беш йил таълим олганим. Отам раҳматли диплом олган куним «Йўқ, ўғлим мен билан кетади», дея туриб олган. Шунда Раззоқ Ҳамроев «У ёқда сиз отаси бўлсангиз, театрда мен отасиман, бу ёғини менга қўйиб беринг», дея отамни кўндириб театрда олиб қолган. Мана, 43 йилдирки, шу даргоҳ мен учун қадрдон. Устозларимдан олган қимматли сабоқларим ҳамиша ёдимда...

Кечагидек эсимда: «Гулсара» спектаклида устоз Ҳамза Умаров Гулсаранинг отаси, мен Қодирни ижро этардик. Бир кийимлик атласни совға қилиб, Гулсарани саҳнадан олиб чиқиб кетаман, деб турганимда, унинг отаси, яъни, Ҳамза Умаров чиқиб келадиган саҳна кўриниши бор эди. Совғани ҳар доим саҳнага чиқадиган жойимдаги қамиш орасига қўйишарди. Янги ходим келиб, атласни бутунлай бошқа томонга қўйган. Мен эса навбатим келганида, совғани шундай олиб чиқиб кетаман, деган ўй билан ўтираверганман. Бир маҳал қарасам, совға йўқ-да. Нафасим бўғзимга тиқилиб, у ёқдан бу ёққа югуриб совға қани, деб пичирлайман. Саҳнада бир дақиқа кутиш бир соатдан ҳам кўпдек туюлишини ўйлаганим, мендан кейин устознинг чиқиши сурилишини билганим сайин елкамга тоғ қулагандек бўларди. Совғани топиб беришди, олибоқ, саҳнага отилдим. Не кўз билан кўрайки, менинг гапларимдан кейин чиқиши керак бўлган ота аллақачон саҳнада. Антрактда «Устоз, минг бор узр, шундай бўлиб қолди», дейишимни биламан, чап юзимга шарақ этиб, тарсаки тушса бўладими. Икки-уч кун уларга яқинлашолмай юрдим. Ҳафталик мажлисда кимдир «Кеча Турғун Бекназаров озгина кечикиб чиқди», дея энди гап бошлаши билан Ҳамза ака «Ҳаммаси жойида ҳақини олиб бўлди», дея менга кўриладиган чора, яъни огоҳлантиришнинг олдини олди. Шу-шу ҳалигача спектаклдан олдин келиб, ижрони тўлдирадиган ҳар бир нарсани эътибор билан кўздан кечириб, тахт қилиб қўйишга одатланганман.



**– Санъат олами ўзига хос мураккаб, кўпроқ фидойилик талаб қилади? Шундай эмасми?**

– Талабаликка 44 нафар ёшлар қабул қилиниб, 17 киши битирганимиз ёдимга тушади. Нимага? Битта ролни учтўрт талабага беришарди. Саҳна марду майдон. Қайта-қайта тайёргарликда пишиб, маромига етказилган ижролар танлаб олинар, сафимиз ўз-ўзидан камайиб бораверарди.



«Кеча ва кундуз» сериали Бухоро чўлларида тасвирга олиняпти. Оғзимга латта тиқиб, бўғизлаб кетадиган кўриниш бор. Қайта-қайта дубллар, қоп-қора қумга беланиб кетган латтани ҳар оғзимга тиққанда, тишларимнинг орасигача қум кириб, ғичирларди. Ҳозир шу саҳнани қанчалар маромига етказиб ижро этганимдан хурсанд бўламан. Инсонда иқтидор бўлса-ю, ўз устида изланиб меҳнат қилмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Меҳнат, ирода нафақат актёрни, балки ҳар бир инсонни улуғлайди.

Онам Саодатхон ая «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланганимда театрга келди. Орденни қабул қилиб олдим, қучоғим гулга тўлиб кетди. Саҳнадан тўғри биринчи қаторда ўтирган онамнинг ёнига келиб, уларнинг оёғи остига барча гулларни қўйдим. Онам хурсандлигидан кўзларидаги ёшларни тиёлмасди. Зални давомли қарсаклар садоси тутди. Ўша вақтдаги онамнинг қувончи менга бир умрлик куч-ғайрат бағишлади, десам, муболаға эмас.

**– Ҳам комик, ҳам салбий роллар ижро этиб, халқимиз эътиборини қозонгансиз. Аммо уларнинг қай бири Турғун Бекназаровга яқинроқ?**

– Ҳаётда жуда хушчақчақ одамман. Аммо режиссёрлар кўпинча менда салбий қаҳрамонларни кўришади ва салбий роль беришади. Шу боис ўзимга мутлақо тескари характерли қаҳрамонларим образини ишончли ижро этишим учун йўл-йўлакай одамларни кузатаман. Баъзан шундай кузатувларга берилиб кетиб, автобусда бекатимдан ўтиб кетган пайтларим ҳам бўлган.

Жасур Исоқовнинг «Ҳақиқий эркаклар ови» фильмида анча мураккаб бўлган ички ишлар органлари ходими ролини ижро этганман. Олим атиргул сингари содда, самимиятга яқин образларни ижро этиш завқимни оширади. Қолаверса, ижобий қаҳрамонларни ҳам яратгим келади.

**– Ёшларга, мухлисларга тилакларингиз.**

– Санъатга кириб келаётган ёшларга Раззоқ Ҳамроевнинг менга 42 йил аввал айтган: «Ўғлим, ижодкор, санъаткор бўлишни хоҳласанг, биринчиси, камтар бўл, иккинчиси, касбингга хиёнат қилма», деган сўзларини илинаман. Мухлисларнинг қалби ҳамиша санъатга ошно бўлсин.

**Гулноза ТОШТЕМИР қизи суҳбатлашди.**

МУЛОҲАЗА

# САБРИ СИНАЛГАН БОЛАЖОН




Бугуннинг боласи зийрак ва билағон, кези келганда, кўнувчан ва мослашувчан эканлигини карантин шароитида яна бир бор исботлади десак, асло муболаға эмас. Чунки ширинтойларимиз ака-опаси телевизион дарслар орқали онлайн таълим олаётгани, махсус тозаловчи воситалар, бир марталик салфетка, ниқоб, ҳатто дадасининг машинада ниқоб тақиб юришидан тортиб элтиб бериш хизматини ҳам тушунади. Ота-онаси хизмат вазифасини онлайн бажараётганини англайди. Оиласидан ташқаридаги яқинлари, тенгдошларининг «Қандайсан? Қачон келасан?» деган сўроғига дадиллик билан баралла «Карантин тугасин!» дея жавоб бериб, соғинчини расмлар ёки видеоқўнғироқлар орқали аритади. Келинг, бу борадаги фикрларимизни бир онанинг сўзларидан олинган айрим лавҳалар билан бойитамиз.

– Ҳали тўртни ҳам тўлдирмаган ўғлим бор. Уни ҳар куни нима билан овутиб боғчага кузатиш одат тусига кирганди. Ҳозир кўз очибоқ, «Ойижон, карантин тугаса, боғчамга бораман-а? Фотима опамни, ўртоқларимни соғиндим», дея хафсаласизгина ўрнидан қўзғалади. Аммо зум ўтмай, «Ойижон, дадамнинг ниқобларини бердингизми?» деганча мени сўроққа тутади. Бироз ошхона ишлари билан андармон бўлсам, «Ойижон, қўлни ювиш вақти бўлди», дея кўзларини пирпиратиб ёнгинамда ҳозир бўлади. Жажжигина бармоқларини худди телеэкранда кўрсатилганидек совунлаб, бир-бирига оҳиста ишқалаб ювиб, сочиқчасига артишини кўриб, меҳрим товланиб, болажонимни бўйларидан қучиб, эркалаб, суяман.

«Иброҳим қандайсан? Аҳволларинг яхшими? Ойим таътилда, биз уйдамиз. Боғчамизнинг таъмири тугабдими? Ё сен боғчага чиқяпсанми? А-а-а, карантин тугасин...» Кимдир қўнғироқ қилибди, чоғи, деган ўй билан ортимга қайрилиб кўрайки, кичкинтойим йиғма ўйинчоғидан ясаган телефончасида менга парво ҳам қилмай, суҳбатни давом эттирганча нариги хонага чиқиб кетди.

Кундалик юмушларимни тугатиб, кичкинтойим билан эртак ўқиб, қаҳрамонларнинг расмини гоҳ бўёқда, гоҳ рангли қаламда икковлашиб жонлантирамиз. Болажонимнинг ширинлафзида ўзбек, рус, инглиз тилларида жаранглаган рақамларни тинглаб, «Баҳор бу – весна» дейишидан хурсанд бўламан. Геометрик шакллар – айлана, учбурчак, тўртбурчакни номма-ном айтиб, квадратни «кдврат», деса, худди унингдек, завқим ошади. Унинг хатоларини тўғрилаб, оналик бурчимни яна бир бор туяман. «Ҳурматли ойижонлар, болаларни бўш қўйманг, уларнинг расм чизишларига ёрдамлашинг. Кейин телеграмда менга юборинглар, илтимос», деган боғча опасидан келган хабарни кичкинтойимга етказиб енгил тин оламан.

Бироз ором олиб тиниққан болажоним, телевизор томоша қилиш, телефондаги ўйиндан кўра компьютерни ёқишни афзал билди. Чунки унда ўзи ёқтирган «Сеними, шошмай тур!» мултфильми бор-да. «Бўри ҳечам қуённи тутолмайди-да. Шундоқ йўлидан чиқсаям... э-э-э, қуён яна қочиб кетди...».



Кечки овқатдан кейин болажоним дадасини интизорлик билан кута бошлади. Ниҳоят, эшик қўнғироғи жиринглади. «Дадам келди!» – дик этиб ўрнидан қўзғалди ва кириш йўлаги томон чопди. Бироқ тезда ортига қайтиб, «Дадамга салфеткаларни олиб чиқинг, ойижон!» деди ва хомуш тортиб экран қаршисига тиз чўкди. Хомуш тортганининг сабаби, авваллари у ишдан қайтган дадасини акаси, опасидан аввал бўйнидан қучиб, қуёшдек кулиб қарши оларди. Аммо бугун унга дадасининг «Тойчоғим, қўлларимни ювиб олай», дейишининг ўзи кифоя қилди. У коронавирус туфайли бу эҳтиёткорлик чорасига кўникди. Ҳа, ширинтойим кўникди.

Дилбандим «Кўчага чиқаман ёки варрагимнинг ипини боғлаб беринг, велосипед учаман», деб хархаша қилмади. Балки, у меҳр ва сабрни беғубор туйғулари ила авайлаб, оиламизга синовли кунларда ёруғлик олиб кирди. Шукр, ҳаммаси яхшиликка, карантин чоралари юмшатилиб, энди болажонимни сайрга олиб чиқяпман.

Ҳар биримиз бола бўлганмиз. Ҳаётнинг турфа сўқмоқларидан, кези келганда, қоқилиб, баъзан югуриб улғайганимиз рост. Юқорида мурғак фарзандининг қалби қанчалар покиза туйғуларга ошно эканлигини сўзлаган онанинг фикри, ҳар ҳолда, янги эмас-у, аммо бир саволга жавоб излаш, муҳим хулосага келишга ундайди. Яъни, карантинда «эплаб кўчада юриш»ни «кун мавзуси»га айлантирганлардан тортиб, «погонни юлишгача»гача борганларнинг «сабр коса»си болаларнинг иродасидан-да ожизми? Биз бугун эркатой, сергап ширинтойларимиздан ҳам ўрганадиган, ибрат оладиган, тарбиянинг қатларига сингиб кетган инсонийлик борлигини тан олишимиз керак, назаримда.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

# МЕҲР

Ҳикоя



Вақт пешинга яқинлашганда эшик қўнғироғи кетма-кет жиринглади. «Карантин пайтида бировнинг уйига келган бефаросат ким экан?» дея ичида норози бўлди Заҳро. Сўнг эшик олдига келиб, зардали оҳангда сўради:

– Ким?

– Синглим, бу мен, – акасининг ийманган овози эшитилди.

– Вой акажон, сизмисиз? – Заҳро шоша-пиша эшикни очиб, уни ичкарига таклиф қилди. – Ассалому алайкум! Қани, киравқолинг. Боя жиянларингиз сизни эслаб туришувди.

Акаси ниқобини ҳам ечмасдан, орқароққа тисарилиб деди:

– Ваалайкум ассалом! Кўчадан келяпман. Ичкарига кирмай қўя қолай. Телефонда гаплашган бошқа, бир ўзингни кўриб кетай дедим.

– Шундан шунга келиб, бир пас ўтирмай кетаверасизми? Ҳозир таксиям юрмаяпти-ку, нимада келдингиз?

– Пиёда, – акаси худди айб иш қилиб қўйгандай синиққина жилмайди.

– Ўриксордан Фарҳод бозоригача яёв келдингизми?! Ўзингизни бунча уринтириб, мени хижолатга қўйиб нима қилардингиз?! – деди Заҳро юрак-бағри уюшиб.

– Сени кўргим келди-да, нима қилай. Барибир, кўз кўзга тушгани бошқа экан. Ўзинг яхшимисан? Куёв яхши ишлаб юрибдими? Болаларинг тўполон қилавериб жонингни киритаётгандир.

– Худога шукур, ҳаммамиз яхшимиз. Ўзингиз тузукмисиз? Кеннойим, жиянларим яхши юришибдими?

– Алҳамдулиллоҳ, ҳаммаси соғ-саломат. Сенга кўпдан-кўп салом айтишди.

– Акажон, ҳеч бўлмаса яқинроқ келинг, кўришайлик.

– Йўқ-йўқ, – деди акаси орқага яна бир қадам тисарилиб. Кўрганимиз – кўришганимиз.

– Ҳеч бўлмаса, стул олиб чиқай, бир пас ўтириб, нафасингизни ростланг.

– Йўқ, овора бўлма, Худо хоҳласа, бу синовли кунлар ўтиб кетса, бафуржа ўтирадиган бўлиб келаман. Ҳозир ўтирсам, терим қотиб, шамоллаб қолишим мумкин. Терим қотмасдан уйга етиб олай.

Акасининг бу гапидан Заҳронинг баттар юраги эзилди.

– Мана бунда майда-чуйдалар бор. Майли, синглим, мен борай. Келдим, кўрдим, кўнглим тинчиди. Худди раҳматли онамни кўргандай бўлдим. Куёвни сўраб қўй.

– Шошманг, ҳеч бўлмаса, кузатиб қўяй.

– Йўқ-йўқ, кўчага чиқма. Худо ҳаммаларингни ўз паноҳида асрасин.

Акаси шундай деб, қўлидаги елим халтани ерга қўйиб, Заҳрога аллақандай меҳр билан қаради-да тез-тез юриб пастга тушиб кетди. Заҳро «Сиз ҳам кеннойимни, жиянларимни сўраб қўйинг», демоқчи эди-ю, лекин томоғига нимадир тиқилиб, эшикнинг кесакисига суяниб, ерга ўтириб қолди. Ўз-ўзидан икки кўзидан шашқатор ёшлар оқаверди, оқаверди. Юрагида акасига ачиниш, меҳр, миннатдорлик туйғулари аралаш-қуралаш бўлиб кетди...

**Бобомурод ТОШЕВ.**

*Ака синглисининг ҳолидан хабар олиш учун кетаётганда қаршисидан буғдойзор дала чиқиб қолса, йўлни қисқартириш учун уни кесиб ўтишига ижозат берилган.*

(Ривоятдан)



# Детская страничка




## Кто хозяин?



Большую чёрную собаку звали Жук. Два мальчика, Коля и Ваня, подобрали Жука на улице. У него была перебита нога. Коля и Ваня вместе ухаживали за ним, и, когда Жук выздоровел, каждому из мальчиков захотелось стать его единственным хозяином. Но кто хозяин Жука, они не могли решить, поэтому спор их всегда заканчивался ссорой.

Однажды они шли полем. Жук бежал впереди. Мальчики горячо спорили.

– Собака моя, – говорил Коля, – я первый увидел Жука и подобрал его!

– Нет, моя, – сердился Ваня, – я перевязывал ей лапу и таскал для неё вкусные кусочки!

Никто не хотел уступать.

– Моя! Моя! – кричали оба.

Вдруг со двора сторожа выскочили две огромные овчарки. Они бросились на Жука и повалили его на землю. Ваня поспешно вскарабкался на дерево и крикнул товарищу:

– Спасайся!

Но Коля схватил палку и бросился на помощь Жуку. На шум прибежал сторож и отогнал своих овчарок.

– Чья собака? – сердито закричал он.

– Моя, – сказал Коля.

Ваня молчал.



## Скороговорки с буквой «Р»



Рака буква Р нашла, раку ракушку дала. Как пришел к реке рыбак, вполз в ракушку бедный рак.

* * *

Бородатый барабашка барабанит в барабан.

* * *

Бравый корнет взошёл на корвет, корнет с корвета шлёт всем привет.

* * *

Рубили дроворубы сыры дубы на срубы.

* * *

Хитрую сороку поймать морока, а сорок сорок – сорок морок.

* * *

Я бродил один у горки, собирал скороговорки.

## Интересные загадки

Бывает маленьким, большим.
Железо очень дружит с ним.
С ним и незрячий непременно
найдёт иголку в стоге сена.
(Магнит)

* * *

Странный дождь порой идёт:
сотней струй он кверху бьёт.
(Фонтан)

* * *

Вот так чудо! Вот так диво!
Как сорвался он с обрыва,
так уже который год
всё никак не упадёт.
(Водопад)

* * *

Быстро топчешься на месте,
Он летит с тобою вместе.
(Велосипед)

* * *

На самом перекрёстке
Висит колдун трёхглазый,
Но никогда не смотрит
Тремя глазами сразу.
(Светофор)

* * *

«Завязать» можно,
А развязать не получится.
(Разговор)







Помоги Хансу добраться до вершины горы. Выбери маршрут и кидай ручку на специальный оранжево-жёлтый круг. Если ручка выпала на круг как надо – смело продвигай своего Ханса вверх. Если нет – пропускай ход. Играй с друзьями. Устрой с ним соревнование.

## Цифровой сканворд

*Каждой цифре принадлежит своя буква, разгадай весь сканворд.*



МОЛОДЕЖЬ – НАШЕ БУДУЩЕЕ

# НАШЕЛ «ПОТЕРЯШКУ»

**Музаффар Акбаров родился в Ходжаабадском районе. После окончания Мархаматского агропромышленного колледжа и службы в рядах Вооруженных Сил Узбекистана в 2009 году был принят на работу в органы внутренних дел.**



**Рядовой
Музаффар АКБАРОВ**

Служил рядовым сотрудником в отделении охраны при Кургантепинском РОВД, межрайонном отделе охраны при Ходжаабадском РОВД.

В 2017 году был переведен в 3-й отряд батальона ППС УПССиООП УВД Андижанской области. В настоящее время рядовой Музаффар Акбаров является командиром отделения 1-го отряда батальона ППС.

Рядовой М. Акбаров в составе пешего наряда ППС нес службу в районе Старого города областного центра. В 15.00 по рации он принял сообщение о том, что пропал 5-летний Темур Абдусаттаров, оставшийся на некоторое время без присмотра родителей, а также узнал о приметах пропавшего мальчика.

Решив, что малыш мог находиться в парке детских аттракционов, рядовой Музаффар Акбаров направился туда. В парке никого не было. Возле карусели страж порядка заметил одинокую фигурку мальчика.

– Как дела, Темур? – спросил он у ребенка

Мальчик удивился:

– Откуда вы меня знаете?

– Твой папа позвонил, сказал, что ты, не спросив разрешения, ушел из дома.

– Я хотел сразу вернуться, но заблудился, – расплакался мальчуган.

Рядовой М. Акбаров сообщил по рации в дежурную часть батальона ППС о том, что нашел Темура.

Несколько минут спустя к парку подъехала патрульная машина, в которую усадили малыша и отвезли к отцу.

– Отец мальчика, Бобуржон Эрназаров, от всей души благодарил рядового М. Акбарова за то, что он нашел его сына, – рассказал заместитель командира батальона по воспитательной работе подполковник Абдухалил Юлдашев. – Стоит отметить, что командир отделения рядовой Музаффар Акбаров служит с душой, четко выполняет приказы начальников, умело применяет на службе навыки, которые приобрел за годы работы. Музаффар, не смотря на свои годы, является наставником молодежи, и щедро делится своими знаниями и опытом.



**Темур АБДУСАТТАРОВ**

**Борис КЛЕЙМАН.**
*Андижанская область.*

АСПЕКТ ВОСПИТАНИЯ

# Хамство за рулем

**Буквально на днях стал свидетелем одной некрасивой ситуации, после которой остался неприятный осадок на душе и чувство стыда за человека, который вел себя словно безумец.**



Пожилой водитель «Матиза» замешкался на светофоре и не слишком резво тронулся с места. В это же мгновение молодой человек, сидевший за рулем находившегося позади кроссовера «Каптива», принялся отчаянно сигналить, а потом, видимо, посчитав, что этих мер недостаточно, объехал малолитражку и, остановившись рядом, принялся осыпать пожилого человека градом оскорблений. Вылив на ошеломленного аксакала целое ведро словесных помоев и удовлетворив свою злость, автохам дал по газам и унесся прочь.

Могу представить, как себя чувствовал в тот момент пожилой водитель, ставший жертвой пресыщенного негодяя, которому он не то что в отцы, а в деды годится. Учитывая, с каким уважением и почетом в Узбекистане относятся к пожилым людям, случай этот вопиющий, хотя, увы, не редкий. Часто бывает, что сытый, хорошо одетый и самодовольный юнец обращается по-хамски к человеку, который значительно старше его. Такая ситуация, к большому сожалению, чаще случается на дороге. Пресловутые автохамы, возомнившие себя невесть кем, катаясь на дорогих автомобилях, ведут себя так, будто весь остальной мир просто обязан преклоняться перед ними.




Боле того, распоясавшиеся, не удовлетворившись оскорблениями, они позволяют себе распускать руки. Но это им не всегда удается – зачастую противник оказывается более развитым физически, сильнее, и тогда зачинщики конфликта получают, что называется, по полной программе. Для кого-то это становится хорошим уроком.

В этом аспекте очень важно, когда родители не только балуют ребенка дорогими подарками, но и разъясняют ему, какие он имеет обязанности. Вести себя тактично, уважительно по отношению к остальным участникам дорожного движения очень важно.

Сотрудники подразделения безопасности дорожного движения в профилактически-агитационных целях часто проводят беседы с молодежью, делая акцент на правила и нормы поведения на дороге. Хочется верить, что в итоге мы достигнем высокого уровня культуры поведения. А пока, увы, многие участники дорожного движения, пересев на дорогой автомобиль, наслаждаются вседозволенностью, забывая, что за такое поведение могут понести как административную, так и уголовную ответственность.

**Соб. корр.**



ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# МУДҲИШ ХАТО

**Фарзанд – эр-хотин ўртасидаги муҳаббатни мустаҳкамловчи ришта. Ишдан чарчаб уйга қайтсак, пешвоз чиқиб, бағримизга отилган ўғил-қизларимизни кўриб, барча ғам-ташвишларни унутамиз.**



Бир кам дунё, деганларидек, йиллар давомида фарзанд илинжида яшаётган кишилар ҳам оз эмас. Бундай инсонларни кўрган айрим кимсалар эса ўзларини ҳожатбарор, мўмин кишилардек кўрсатиб, уларни йўлдан уришга ҳаракат қилишади. Мўмай пул топиш илинжида одам савдосидек оғир жиноятга қўл уришади. Энг ачинарлиси, ўз зурриёдини сотишдан ҳам тап тортишмайди.

Шовотлик Бекпошша (исмлар ўзгартирилди) арзимаган келишмовчилик сабаб турмуш ўртоғи билан ажрашди. Маҳалла фаоллари, қариндош-уруғларнинг аралашуви ҳам наф бермади. Темур кўп ўтмай бошқа бир аёлга уйланди. Бекпошша ҳам урганчлик Қобил деган йигит билан аҳду паймон қилишди. Шаҳардаги қурилиш ташкилотларидан бирида ишловчи Қобил Бекпошша билан шаърий никоҳдан ўтиб, уни ижарада яшаётган уйига олиб келди...

Орадан йиллар ўтиб, икки ўғил дунёга келди. Улар улғайган сари оила ташвишлари ҳам орта борди. Қобилнинг топгани эса, ҳатто оила кам-кўстига ҳам етмай қолди. Бекпошша шаҳардаги умумтаълим мактабларидан бирига фаррош бўлиб ишга кирди. Шунга қарамай, эр-хотиннинг топгани кундалик эҳтиёжи билан ижара ҳақига зўрға етарди.

Ана шундай кунларнинг бирида Бекпошша бола асраб олиш илинжида юрган Малика исмли аёл билан танишиб қолди ва оқ-қорани таниган 12 яшар тўнғич ўғлини унга сотмоқчи бўлди. Қобил ҳам турмуш ўртоғининг бу таклифини маъқуллади. Ота-она ўғли Сардор учун 200 миллион сўм сўрашди.

Малика барча ҳужжатларни қонуний тартибда расмийлаштиришни, қанча сарф-харажат бўлса, тўлашини айтди. Аммо улар Маликанинг бу таклифига рози бўлишмади. Фарзандидан мол-дунёни устун қўйишди. Малика бу нафс бандаларининг қилмишидан нафратланса-да, ўзини уларнинг шартига кўнгандек кўрсатди ва шу куниёқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

– Уйимизда эдик, Малика қўнғироқ қилиб, пулни олиб келаётганини айтди, – дейди ўз кўрсатмасида Қобил. – Орадан ярим соат вақт ўтмасданоқ эшик тақиллади. Дарҳол эшикни очиб, Маликани кутиб олдик. У целлофан пакетга ўралган пулни менга бериб, 100 миллион сўм олиб келганини, қолганини икки кун ичида беришини айтди. Пулларни санай бошладим, тўлиқлигига ишонч ҳосил қилгач, турмуш ўртоғим ўғлимизни Маликага берганлиги ҳақида тилхат ёзди. Шундан сўнг Сардорнинг кийим-кечакларини тайёрлай бошлади. Шу пайт уйимизга нотаниш кишилар кириб келишди ва хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб ўзларини таништиришди. Ана шундан сўнггина жиноятга қўл урганимизни ҳис қилдик. Қилган ишимиздан пушаймонмиз.

Афсуски, пушаймонликдан энди наф йўқ. Чунки қонун барчага баробар. Шу боис ўз фарзандини сотишдек оғир жиноятга қўл урган эр-хотин қилмишига яраша жавобгарликка тортилди.

**Элдор САФАЕВ,**
**капитан.**
**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

# АШАДДИЙ ҚОИДАБУЗАРНИНГ ҚИЛМИШИ

## 19 ёшли қизнинг бевақт ўлимига сабаб бўлди

**Йўл қоидани ёқтиради. Айниқса, транспорт ҳаракати аста-секин ўз изига тушиб бораётган айни кунларда ҳар дақиқа ҳушёрликни йўқотиш мудҳиш воқеаларга сабаб бўлиши мумкин.**

Машинани бошқараётган ҳар бир инсон ўзига қанчалик ишонмасин, автоуловлар тезлигини меъёрдан оширмаслиги лозим. Акси бўлса, нафақат ўзига, балки манзилга ошиқаётган йўловчиларга ҳам жиддий зиён етказади.

Бухоро вилояти ИИБ ЙҲХБ навбатчилик қисмига Қоракўл тумани ҳудудидан ўтган 4Р-76 «Қоракўл–Янгибозор–Жиғачи» автомобиль йўлининг 7 километрида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида хабар келиб тушди. Зудлик билан тезкор гуруҳ йўлга чиқди.



Воқеа жойига етиб келган ходимлар йўл-транспорт ҳодисасини обдан таҳлил қилиб, ўрганишди. Маълум бўлишича, шу туманлик, 1989 йилда туғилган, борйўғи бир йиллик ҳайдовчилик стажига эга бўлган фуқаро М. Ж. «Нексия» русумли автомашинаси тезлигини меъёридан оширган ҳолда бошқариб, олдинда кетаётган автомобилни қувиб ўтиш мақсадида қарама-қарши йўналишга чиққан. Оқибатда, қаршисидан келаётган «Ласетти» русумли транспорт воситасининг олд қисмига урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этади. Натижада «Нексия» русумли транспорт воситаси олд ўриндиғида ўтирган йўловчи 2001 йилда туғилган З.Н. исмли қиз оғир тан жароҳати билан шифохонага ётқизилади. Афсуски... эндигина 19 ёшни қаршилаган қиз малакали шифокорлар томонидан кўрсатилган муолажаларга қарамай, оғир жароҳат оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, «Нексия» ҳайдовчиси М. Ж. қарама-қарши йўлда ҳаракатланаётган «Ласетти» русумли автомашинасини ҳам таъмирталаб аҳволга солиб қўйди.

Олинган маълумотларга қараганда, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган фуқаро М. Ж. бир йил давомида ўн икки маротаба йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги сабаб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилган экан. Сурункали қоидабузарнинг навбатдаги ўзига «бино қўйиши» эса бир нафар фуқаронинг ҳаётдан эрта кўз юмишига олиб келди.

Шу куни вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари томонидан бу каби ҳодисаларнинг қайта такрорланмаслиги учун муҳим чоралар кўрилди. Хусусан, тезликни онлайн тартибда назорат қилиб борувчи радар ўрнатилиб, эндиликда мазкур ҳудудда ҳам тезкор рейдлар ўтказиб турилиши белгиланди. Шунингдек, ҳар бир ҳайдовчи йўлга чиққанда транспорт воситасини ҳушёрлик билан бошқариши, уни уйида оиласи ва яқинлари кутаётганлигини кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳалла фаоллари иштирокида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Мазкур йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан Қоракўл тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмаси томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Улуғбек ШУКРУЛЛАЕВ,**
**Бухоро вилояти ИИБ ЙҲХБ**
**катта инспектори,**
**катта лейтенант.**
**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

КИМ НИМА ДАРДДА...

**«Сардоба» сув омборида юз берган тошқин натижасида аҳолининг йўқолган ҳужжатларини тиклаш, яроқсиз ҳолга келганларининг ўрнига янгисини расмийлаштириб бериш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Бироқ айрим фуқаролар сув тошқинида зарар кўрмаган бўлса-да, вилоят ИИБ ЙҲХБ рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, ҳайдовчилик ва транспорт воситаларини қайд этиш гувоҳномаларини янгилаб олишга уринишмоқда.**

# «ШОВВОЗ»НИНГ АЙЁРЛИГИ ЎТМАДИ

Масалан, вилоятнинг Мирзаобод туманида яшовчи фуқаро Б.А.нинг сув тошқинида йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига янгисини олиш тўғрисидаги мурожаати ўрганилганда, у Оқолтин тумани Маъмурий ишлар бўйича судининг 2018 йил 19 март кунидаги қарорига асосан транспорт воситаларини ҳайдаш ҳуқуқидан 1 йилу 6 ой муддатга маҳрум этилгани аниқланди.

Хуллас, офатдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлган «шоввоз»нинг айёрлиги ўтмади.

**Абдураҳмон**
**МУСТАФОҚУЛОВ.**
*Сирдарё вилояти.*

ҚИЛМИШ–ҚИДИРМИШ

# АҚЛГА ЁНДАШ, ЖАҲЛДАН ҚОЧ

Жаҳлга эрк бериш кўп ҳолларда кишини кўнгилсизлик билан тўқнаш келишга мажбур қилади. Узун туманидаги Наврўз маҳалласида яшовчи А. Х. ҳам бунга амин бўлди.

У арзимас сабабдан маҳалладоши Н. М. билан жанжаллашиб қолди. Пировардида эса, жаҳлини тия олмай, қўлига эрк берди ва Н. М.нинг чап кўзига уриб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказди.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Энди А. Х.нинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилади.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА.**
*Сурхондарё вилояти.*

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ



# ЯХШИ ТУШЛАР КЎРИНГ

**Киши ухлаганида, организмида гормонлар мувозанати юзага келади, мушаклар бўшашиб, терининг нормал ҳолати тикланади. Шунингдек, кун бўйи олинган ахборотлар мияда қайта ишланиб, хотирага жойланади. Шунинг учун тўйиб ухласак, эрталаб уйғонганимизда ўзимизни ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам руҳан тетик ҳис қиламиз. Хуллас, тўлақонли уйқу инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Мободо кўпинча ухлашга қийналсангиз ёки уйқунгиздан тез-тез уйғониб турсангиз, зудлик билан буни бартараф этиш чорасини кўриш керак.**

### ТЎҒРИ ТАРТИБГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Баъзилар ишдан келиб, кечаси алламаҳалгача Интернетда «ўтиради». Эрталаб аранг уйғониб, ишга югуради. Дам олиш кунлари эса пешингача донг қотиб ухлайди. Аммо шунда ҳам уйқуга тўймайди.



Тонгда ўзини тетик-бардам ҳис қилиши учун киши тўғри ухлаш тартибига риоя этиши лозим. Кимдир 8 соат, яна кимдир 10 соат ухласагина уйқуга тўяди. Кимгадир эса 6 соат уйқу ҳам кифоя. Аммо олти соатдан кам ухламасликни тиббиёт ходимлари ўз чиқишларида тавсия қилишади.

Ҳар куни муайян вақтда ётиб, белгиланган вақтда туришга одатланинг. Олимларнинг аниқлашича,

**тунги 22:00 – 02:00 оралиғи организм уйқу гормони ишлаб чиқариши учун энг қулай вақт экан. Шу боис кечи билан соат 23:00 да ухлашга ётган маъқул.**

### ТЎШАГИНГИЗ ҚУЛАЙ БЎЛСИН

Умуртқа поғонангизга зиён етмаслиги учун тўшагингиз текис, меъёрида қаттиқ бўлсин. Ёстиғингиз ноқулай бўлса, нафақат кечаси, балки эртасига кун бўйи ҳам бўйнингиз, бошингиз оғрийди. Ёстиқ ўртача қаттиқликда, баландлиги 10–15 см бўлгани мақсадга мувофиқ.

### «ЁТДИМ ЁНИМ БИЛАН...»

«Темир хотин» фильми қаҳрамони Қўчқор ака ухлаш олдидан «Ётдим ёним билан, турғаз иймоним билан» дейди. Дарҳақиқат, киши ўнг ёнбоши билан ётса, тиниқиб ухларкан, умуртқа поғонаси дам оларкан. Эрталабдан дуч келган одамни «қопадиган» ларга «Нима бало, чап ёнинг билан турганмисан?» деб бежизга айтишмайди. Бундан келиб чиқадики, энг маъқули ўнг ёнбош билан ётиш. Айримлар чалқанча ётишни ёқтиради. баъзилар эса бундай ҳолатда ухласа, хуррак отади. Лекин юзтубан ётиш тавсия этилмайди.

### МЕЪЁРИГА НИМА ЕТСИН

Жисмоний фаоллик фойдали. Киши жисмонан чарчаса, тез уйқуга кетади. Лекин ҳаддан ташқари ҳориган одамнинг ухлаши қийин кечади. Болалар ҳам ётиш олдидан берилиб ўйнаса, ҳадеганда ухлай олмайди. Шунинг учун ухлашдан икки соат олдин фаол ақлий ва жисмоний ҳаракатлардан, жисмоний машқлардан тийилиш лозим. Компьютер ўйинлари ҳам ухлашга халал беради, лекин кечки сайр фойдадан холи эмас.

Оч қоринга уйқу келмайди. Бироқ бўкиб овқатланиш ҳам зарарли. Кечки таом ҳазми енгил бўлиши керак. Ухлашдан камида уч соат олдин тамадди қилиш лозим. Мабодо ётиш олдидан очлик безовта қилаверса, бир стакан қатиқ ичинг ёки сабзавот салати, мева тановул қилинг.

Кечаси чой, сув ёки бошқа ичимликлар ичиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда кечаси ҳожатхонага қатнашингизга тўғри келади, бунинг устига эрталаб қовоғингиз шишиб уйғонасиз.

### БУНИНГ ҲАМ ЧОРАСИ БОР

Юқоридаги тавсияларга амал қилсангиз ҳам уйқунгиз келмаяптими? Ишга оид, оилавий ўй-ташвишлар тинчлик бермаяптими? Ҳамма муаммоларни унутишга ҳаракат қилинг. Шунда ҳам ухлолмаяпсизми? Бунинг ҳам чораси бор. Хонангизни шамоллатинг. Тоза ва салқин ҳаво тез уйқуни келтиради. Турли ўтлардан тайёрланган тинчлантирувчи дамламадан бир пиёла ичинг. Шунда ҳам ухлолмасангиз, кишини ҳаяжонлантирмайдиган, ақлни зўриқтирмайдиган бирор китоб ўқинг. Вақтингиз бўлганда эса шифокорга учрашни маслаҳат берамиз.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

## ҚАНЧА УХЛАШ КЕРАК?




**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

МАСЛАҲАТ

## ЎЗИНИ АСРАГАННИ...

**Жазирама об-ҳаво шароитида ҳатто сифатли ва фойдали озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам соғлиқ учун хавф туғдириши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотларидаги микроорганизмлар юқори ҳароратда тез кўпаяди. Бу, айниқса, оқсил ва углеводлари кўп бўлган маҳсулотларга тегишли.**

Қуйидагилар иссиқ кунларда соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотлар сирасига киради:



**Пишириқлар.** Шифокорлар, энг аввало, ичига масаллиқ солинган пишириқларга алоҳида эътибор қаратишни маслаҳат беришади. Масалан, гўшт ёки творогга тушган бактериялар жуда тез кўпаяди. Кремли пишириқлар ҳам шулар жумласига киради. Шунинг учун ёзда тайёр пишириқларни сотиб олмаган маъқул.

**Колбаса, товуқ гўшти ва паштет.** Бу маҳсулотларни харид қилар экансиз, уларнинг сақлаш муддатига эътибор беринг.



Агар бу каби маҳсулотлар музлатгичдан ташқарида сақланаётган бўлса, уларни сотиб олманг.

**Балиқ.** Айниқса, япон таомлари, турли экзотик таомларни ёқтирувчилар ёзги мавсумда бунга алоҳида эътибор қаратиши лозим.



Чунки юқори ҳарорат таъсирида балиқ гўштидаги бактериялар жуда тез кўпаяди.

**Тайёр салатлар.** Дўкон ёки умумий овқатланиш жойларидан салат харид қилаётганда, унинг таркибига эътибор беринг. Агар ингридиент (таркибий қисм)лар орасида балиқ, товуқ гўшти, помидор, майонез бўлса, янада эҳтиёт бўлинг.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИВ Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник Зоҳирхўжа Шамсиевга қизи **МАДИНАХОНнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши вилоят Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати отряди 2-сафарбар гуруҳи йўл-патруль хизмати инспектори, сафдор Азиз Қулбековга падари бузруквори, истеъфодаги подполковник **Аюбжон ота ҚУЛБЕКОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ПО МАТЕРИАЛАМ СЛЕДСТВИЯ



# Не бери чужого

**Во все времена были и есть те, кто работать не желает, честный труд считает излишней обузой, ни к чему не приучен, лишь высматривает, что и где плохо лежит, а потом, улучив удобный момент, совершает кражу. При этом любители чужого добра особо не задумываются о последствиях. Им главное – день прошел, и то хорошо, а если придется отвечать за содеянное, то что уж тут поделаешь… Как в фильме «Джентльмены удачи»: украл, выпил – в тюрьму!**

Так вот, в один из дней ранее судимые Н. Ливаев, А. Панин и студент одного из профессиональных колледжей столицы, ранее несудимый У. Ахмадов, которого бывалые сидельцы хитрой болтовней втянули в свою преступную компанию, тщательно распланировав предстоящее «мероприятие», совершили кражу в 4-м жилом квартале Юнусабадского района г. Ташкента. Они проникли на лестничную площадку многоквартирного дома и похитили два велосипеда, принадлежащих жителю дома С. Хачатурову, после чего удачно скрылись. Общая сумма похищенного составила более трех миллионов сумов.

В тот же день «друзья» проникли в палисадник квартиры другого жилого дома и похитили велосипед стоимостью 1 200 000 сумов, принадлежавший В. Шегаю.

Очевидно, нет особой необходимости говорить о том, что вырученные деньги преступная троица очень быстро истратила на свои нужды. Однако, сколько веревочке ни виться, а конец будет! Эта поговорка чаще всего характеризует преступление, которое рано или поздно раскрывается. Так и в случае с кражей велосипедов – нашлись случайные свидетели, следы, оставленные похитителями, и те, кто присутствовал при купле-продаже ворованного. Так что очень скоро оперативные сотрудники установили и задержали подозреваемых в этом преступлении.

В ходе следствия, которое проводилось сотрудниками СО при УКД ОВД Юнусабадского района столицы, под тяжестью неопровержимых улик подозреваемые полностью признали свою вину. По итогам открытого судебного заседания Юнусабадский районный суд по уголовным делам города Ташкента приговорил: Н. Ливаева в соответствии со ст. ст. 60, 61 УК Республики Узбекистан – к пяти годам и одному месяцу лишения свободы в колонии строгого режима; А. Панина в соответствии со ст. 60 УК Республики Узбекистан – к пяти годам и одному месяцу лишения свободы в колонии общего режима, а У. Ахмадова, учитывая все обстоятельства дела, в соответствии со ст. 62 УК Республики Узбекистан – к 4 годам и 4 месяцам ограничения свободы.

Вывод прост до удивительного: не бери чужого, не будет проблем!

(Фамилии изменены, возможные совпадения могут иметь случайный характер.)

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент**
**«На посту».**

АКТУАЛЬНО

# Задумайтесь! Для чего вам носить с собой нож?

**В последнее время в г. Ташкенте участились случаи правонарушений среди молодежи с применением колюще-режущих предметов. Молодые люди все чаще стали носить с собой складные ножи и, не раздумывая, пускать их в ход. Вследствие таких необдуманных поступков многие из них в лучшем случае попадают в медицинские учреждения.**



4 июня, около полуночи в отделение дежурной части УКД ОВД Яшнабадского района из районной клинической больницы № 4 поступило сообщение о том, что в приемное отделение с проникающим колото-резаным ранением левосторонней области груди поступил 26-летний Иван А. Несмотря на усилия врачей, он скончался в больнице от полученной травмы.

Аналогичный случай произошел в Шайхантахурском районе столицы. 5 июня, около 19.00 вечера в отделение дежурной части районного УКД ОВД поступил звонок из городской клинической больницы скорой медицинской помощи. Врачи сообщили о том, что в клинику доставили 23-летнего Мехрожа Э., который получил проникающее колото-резаное ранение правосторонней области груди и скончался в больнице, не приходя в сознание.

Еще пример. 8 июня, около часа ночи в отделение дежурной части УКД ОВД Мирабадского района из Республиканской клинической больницы № 1 поступило сообщение о том, что к ним был доставлен Антон Г., 1992 года рождения. Согласно заключению врача, у молодого человека диагностировали проникающее колото-резаное ранение левой стороны грудной клетки, спины и левого плеча. В данный момент потерпевший находится в крайне тяжелом состоянии. По подозрению в совершении данного преступления сотрудники районного отдела уголовного розыска задержали 22-летнего уроженца города Ташкента, Тимура С.





В рамках проводимых мероприятий «Безопасная территория» сотрудники ГУВД г. Ташкента совместно с военнослужащими Национальной гвардии Республики Узбекистан в течение трех дней изъяли у жителей столицы около 20 металлических дубинок и прутьев, профессиональных и самодельных бит, кастетов, пик, штырей и прочих предметов, предназначение которых – нанесение увечий.

Только за 5 месяцев текущего года на улицах столицы было изъято 4 548 ножей и других колюще-режущих предметов, свыше 20 бейсбольных бит, более 50 кастетов.

Невольно возникает вопрос: для чего молодым людям носить с собой ножи, биты, кастеты? Для самообороны? От кого защищаться? Такое количество «орудий убийства» в руках молодежи представляет большую угрозу для окружающих.

В связи с этим хочется обратиться к соотечественникам с просьбой: объясняйте своим детям, родным и близким, что ношение холодного оружия приводит к печальным последствиям. Известны случаи, когда даже незначительная ссора заканчивалась нанесением ран и даже смертью. Нож – это холодное оружие, ношение которого может привести на скамью подсудимых.

**Соб. корр.**

ВНУТРЕННИЙ ТУРИЗМ

# ПРИЕЗЖАЙТЕ В ХАНАБАД!

**В Узбекистане расположено множество священных для мусульман мест: мечети и мавзолеи великих людей, места зарождения суфизма и чудодейственные источники. В музеях выставляются реликвии, имеющие непосредственное отношение к исламу.**

**Во время своего визита в Андижанскую область 21–22 мая Президент Шавкат Мирзиёев поручил развивать внутренний туризм, в частности превратить Ханабад в туристический центр Ферганской долины.**

**Сегодня мы поведаем о некоторых местах, расположенных в городе Ханабаде.**

## Фозилмон ота

Паломники и туристы, посещающие Ханабад, в первую очередь направляются в ма-



халлю Фозилмон ота, чтобы помолиться возле усыпальницы того, чьим именем назван источник чудодейственной воды, и обязательно испить ее.

Махалля Фозилмон ота – самая дальняя территория Андижанской области, граничащая с соседним Кыргызстаном. Самая главная и важная особенность святого места – этот родник, вода которого благотворно влияет на здоровье.

Многие утверждают, что живая вода на протяжении многих веков исцеляет людей, дарит бодрость, силу, лечит многие заболевания.

Религиозный деятель Мухаммад Мустафа Фозилмон Дехлавий, живший в XIII веке, возвел свое жилище у святого источника. Он привлекал местных жителей к исламской религии, истине, просвещению. После кончины ученики похоронили наставника на этом месте и построили мавзолей.

В результате сильного наводнения, случившегося в XIV веке, мавзолей Фозилмон ота остался под водой. В 1805 году усилиями представителя узбекской классической литературы Холмухаммада Эшона ибн Хувайдо мавзолей был восстановлен.

## Хонтахт

Следующее место поклонения паломников – Хонтахт – Трон хана. Как гласит предание, в свое время здесь останавливался правитель соседнего государства. Отдохнув в прохладе, подышав живительным горным воздухом, хан решил приобрести удивительный, бодрящий душу ветер Ханабада. Посмеявшись над причудой владыки, местные жители уступили его за 200 тенге. Время шло. Когда настала пора просушки урожая риса, для которого нужен ветер, явился посланник хана и потребовал плату за использование собственности своего господина. Ханабадцам в конце концов пришлось выкупить ветер за 500 тенге...

## Город

Сегодня Ханабад поражает паломников и туристов зелеными парками, садами, свежим неповторимым воздухом. Два года назад был сдан в эксплуатацию многопрофильный санаторий на 200 мест. Действует Кыргызский национальный центр, построены сотни дач, где в летнее время могут отдыхать тысячи жителей Андижанской области. В центре города в прошлом году был возведен торговый центр «Узбегим». Начато строительство искусственного озера. Рядом с ним разместятся десятки кемпингов для туристов.

Гости Ханабада могут полюбоваться красотами парков и садов с высоты птичьего полета – из кабины фуникулера, который доставляет туристов к подножию памятника Родина-мать. В городе имеется несколько бассейнов с чистейшей водой из водохранилища, много аттракционов для детей.

Приезжайте к нам в гости!

**Соб. корр.**

*Андижанская область.*




## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

***(с 22 по 28 июня)***



**Овен.** Неделя будет напряженной. Не исключены проблемы с домочадцами. Избегайте обсуждения наиболее острых вопросов. Очень важно проявлять заботу о членах семьи и выполнять все необходимые по хозяйству дела. На выходных в доме воцарится гармония.



**Телец.** Нужно больше времени уделять своему здоровью. Сильная загруженность может привести к большим физическим нагрузкам и потере энергии, поэтому чередуйте работу с отдыхом. В выходные сложатся поездки, возможно общение в кругу друзей и получение хороших вестей от родственников и знакомых.



**Близнецы.** На этой неделе усилится желание праздного времяпровождения, вас мало будут интересовать повседневные дела. Проводя много времени в дружеских компаниях, на вечеринках, не забывайте о своих обязанностях. Выходные дни благоприятны для походов по магазинам.



**Рак.** Потребуется приложить много усилий для того, чтобы справиться с рабочими вопросами и решением семейных проблем. Родственники будут требовать повышенного внимания. Главное – не нервничать и не выпускать ситуацию из-под личного контроля. Выходные дни ожидаются спокойными.



**Лев.** Большая часть недели выдастся хлопотной. Возможно, вы встретите людей, настроенных достаточно агрессивно и стремящихся добиться своего любыми методами. Постарайтесь избегать любой суеты, тогда все уладится. Выходные дни рекомендуется провести в тишине и уединении на даче или за городом.



**Дева.** Могут возникнуть проблемы с финансами. Не исключены непредвиденные траты: например, поломка бытовой техники, для починки которой нужно будет брать взаймы. Надо собраться и пережить данный период. На выходных уже сможете расслабиться и выдохнуть – жизнь наладится.



**Весы.** Пытаясь контролировать любимого человека, вы можете потерять терпение. Прямолинейные действия лишь усугубят ситуацию. Отношения стабилизируются ближе к выходным, поэтому в будние дни лучше заняться чем-нибудь продуктивным. Тогда вы сможете одержать верх над обстоятельствами.



**Скорпион.** В будни повышается риск получения производственных травм. Находясь дома, будьте осторожнее с электричеством. Чтобы не испытывать беспричинного беспокойства, не следует долгое время оставаться в одиночестве, замкнутом пространстве, темных помещениях. Старайтесь проводить время среди людей. Выходные ожидаются благоприятными.



**Стрелец.** Стремление быстрее достичь намеченных планов может толкнуть на авантюры. Тем, кто склонен к азартным играм, следует усилить самоконтроль. Будьте терпимее к друзьям, даже если они мыслят иначе. В выходные воцарятся спокойствие и гармония. Посвятите это время заботе о близких людях.



**Козерог.** Практически всю неделю придется отстаивать свои интересы. Прежде чем принимать радикальные меры, стоит взвесить все за и против. К сожалению, вы не встретите должной поддержки в семье. Но на выходных обстановка разрядится, а окружающие сами предложат помощь.



**Водолей.** У тех, кто проходит обучение на различных курсах, эта неделя может стать беспокойной. У тех, кто находится в пути, возможны задержки, смена маршрута. В выходные желательно навести порядок дома. Это удачный период для покупки домашних животных.



**Рыбы.** Не стоит ввязываться в рискованные авантюры. Возможны незапланированные финансовые расходы. Рекомендуется аккуратнее относиться к своему имуществу во избежание поломки или утери. Выходные дни принесут много приятных впечатлений, всплеск творческой активности.

## Разыскиваются за совершение преступления



**Хошимов Умид Исманкул угли,** 1997 года рождения, уроженец Ташкентской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 168, ч. 1 и ст. 169, ч. 1 УК Республики Узбекистан.



**Кучкоров Бегзоджон Зохиджон угли,** 1998 года рождения, уроженец Ташкентской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 169, ч. 3 УК Республики Узбекистан.

* * *



**Турахонов Дилшод Хуснид-динович,** 1986 года рождения, уроженец Ташкентской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 167, ч. 3 и ст. 209, ч. 2 УК Республики Узбекистан.

* * *



**Жоникулова Холида Бахтиёровна,** 1980 года рождения, уроженка Ташкентской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 135, ч. 2, ст. 223, ч. 2 УК Республики Узбекистан.

***Сведения, способствующие розыску, просим сообщить в ГУВД Ташкентской области по телефонам: (0-370) 76-24-121, 76-24-122, УВД Букинского района: (0-370) 57-35-119, 57-35-999, ближайшее отделение внутренних дел.***

АДАБИЙ САЙР

# МАЪРИФАТДАН СЎЙЛАР БУ ГЎША







*Алишер Навоий номидаги Миллий боғдаги Адиблар хиёбони бугун янада тароватли масканга айланди.*

*Ушбу гўшанинг файзли қиёфа касб этиши миллий адабиётимиз, маънавият масалалари доимий эътиборда эканини яна бир карра кўрсатмоқда. Боғнинг адабиёт фидойилари сиймоси акс этган ҳайкалтарошлик намуналари билан бойитилгани миллий адабиёт бўстони беназир алломаларга, қаламига, халқига содиқ қолган ижодкорларга нечоғлик бой эканини яққол ифодалайди.*

*Адиблар хиёбонига туташ ҳудуддаги бино таъмирланиб, Тошкент шаҳри музейининг барпо этилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Негаки, адабиёт ўтмиш, кўҳна тарих билан чамбарчас боғлиқдир.*

*Устоз Ойбекнинг «Навоий», Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» каби романлари, бошқа бир қатор тарихий асарларни ўқиб, мозийнинг турли даврларига саёҳат қилгандек бўласиз. Ногаҳон ўзингизни ўша асарнинг иштирокчисига айланиб қолгандек сезасиз...*

*Чиндан ҳам ҳар қанча ғурурлансак арзигулик миллий адабиётимиз бор. Уларни тарғиб этиш, хорижий тилларга таржима қилиш, миллий адабиётимизга оид янги тадқиқотлар олиб бориш, китобхонлик равнақига ҳисса қўшиш ижод аҳли, адабиётшунослар, тадқиқотчилар, ёш олиму таржимонлар, маънавият тарғиботчиларининг бурчидир.*















Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ЎҚИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ

**Маргарет МИТЧЕЛЛ**

## ШАМОЛЛАРДА ҚОЛГАН ҲИСЛАРИМ




**Дунёга машҳур «Шамолларда қолган ҳисларим» бадиий фильми ўзбек телетомошабинлари юрагидан чуқур жой олган. Бундан бир неча йил олдин Роҳила Ахтамова томонидан ушбу романнинг мантиқий давоми бўлган «Скарлетт» ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларга тақдим этилган эди.**

Мана, ўқувчиларнинг истак-хоҳишлари ҳисобга олиниб, таржимон Роҳила Ахтамова томонидан «Шамолларда қолган ҳисларим» романи ҳам илк бор ўзбек тилига ўгирилиб, чоп этилди. У нафақат дурдона фильм, балки дурдона асар сифатида ҳам меҳрингизни қозонишига, китоб жавонингиз ва юрагингиз тўридан жой олишига ишонамиз.

**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
katta leytenant Mixli SAFAROV
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4197.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 542 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.